



“АЛПОМИШ” ДОСТОНИНИНГ  
ОНОМАСИОЛОГИК АСОСЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Шаҳноза НОРҚУЛОВА**

**“АЛПОМИШ” ДОСТОНИНИНГ  
ОНОМАСИОЛОГИК  
АСОСЛАРИ**

**«Сурхон-Нашр»  
нашириёти - 2016**

**УЎК: 398.22(=512.133):81`373.2**

**КБК:82.3(5Ў)-3**

**Н - 79**

**Шаҳноза Норқулова**

**“Алломиш” достонининг ономасиологик асослари  
(рисола), / Ш.Норқулова — Термиз: «Сурхон-Нашр»,  
2016 й. — 64 б.**

Қўлланма ўрта-маҳсус мактаб ўқувчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабалари, университетнинг бакалавр, магистратура босқичи талабалари ҳамда кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Машхура Норматова

Тақризчилар:

Б. Муртазоев Филология фанлари номзоди  
Н. Турсунов Тарих фанлари номзоди  
Т.Б. Жўраев

Мазкур рисола Термиз давлат университети Илмий кенгаш (21.10.2016) ҳамда Сурхондарё вилояти Маънавият ва Маърифат кенгаши (05.09.2016) йигилиши қарорлари асосида нашрга тавсия этилди.

*ISBN: 978-9943-4733-9-3*

© Шаҳноза Норқулова

© «Сурхон-Нашр» нашриёти, 2016 йил

**Сурхон воҳаси, аввало, “Алпомиш” достони түғилган қутлуғ маскан. Алпомиш мана шу бепоён яйловларда, баланд тоғ дараларида гумбурлатиб от чопган, шу юртнинг зилол кўлларидан сув ичган, шу мағрур элга муносиб паҳлавон бўлиб етишган.**

**Ислом КАРИМОВ**

## СЎЗ БОШИ

**“Алпомиш” достони бутун ўзбек  
халқининг маънавий мулкидир.**

**Ислом КАРИМОВ**

“Алпомиш” достони ўзбек халқининг фахрури бўлиши баробарида, энг муҳими, асрлар оша ажойиб анъаналарга йўғрилган ўзбекнинг фақат ўзига хос миллий қадриятларини, мумтоз фазилатларини келажак авлодга безавол етказишда ноёб дурдона, нодир манба ҳамдир. “Алпомиш” достони халқ бахшилари томонидан қадим-қадим замонлардан буён куйланниб келинади. Эл уни севиб тинглаган, чунки элимизнинг тўй-ҳашамига, базм- йиғинига, шодлик айёмига, хурсандчилик онларига бахшилар ҳамиша кўрк бағишилаган.

Бахшилар муттасил эл ардоғида, улус эътиборида, халқ эъзозида бўлиб, бекиёс эҳтиром ва чинакам эътироф топиб, катта иззат-хурматга сазовор этилган. Бахши зоти борки, “Алпомиш” достонини куйлашга интилган, унга талпинган, унга иштиёқ-мандлик изҳор этиб, ўзининг бу истагини зинҳор яшира олмаган. Достоннинг етакчи foяси Ватан озодлиги, юрт ободлиги, халқ шодлиги бўлса, унинг мавзуи севги-муҳаббат, садоқат ва бу йўлда собит қадамлиkdir. Алпомиш ва Барчиной ўртасидағи севги ва садоқат, айниқса, вафодорлик неча асрлардан ҳамда олис замонлардан буён ёш авлодга намуна, ибрат, ўрнак бўлиб келмоқда ҳамда шундай бўлиб қолади. Алпомиш ва Қоражоннинг дўстлиги, уларнинг бир-бирини кўллаб-кувватлаши, дўстликнинг қадрини улуғлаши, дўстликка хиёнат қилмаслик кабилар бағоят таърифга ва улкан тарбиявий аҳамиятга молик.

“Алпомиш” достони— бизнинг кўхна тарихимизнинг мусаффо кўзгуси, халқимиз тақдири ва қисматининг бадиий акс-садосидир. Бу достон халқимизнинг ўзига хос анъаналарини, гаройиб удумларини, беғараз урф-одатларини, ибраторумуз расм-русумларини ўзида тажассум этган tengi йўқ обида ҳамдир. Достонда қаҳрамонлар тизими турфа хил: уларнинг ҳар бири ўзгача табиатли, ҳар бирининг ўз олами бор, уларнинг бари мислсиз ибрат манбай. Алпомиш, Барчин, Қалдирғоч, Қоражон, Култой, Қайкубодлар ҳар бир лаҳзада Ватан туйғуси, халқ қайғуси билан яшайди. Алпомишдаги ички туғён, Барчиндаги чидам, матонат, Қалдирғочдаги жонкуярлик, Қоражондаги диёнат, Култойдаги

самимият, Қайқубоддаги соддалиқ, Сухайлдаги ҳийлагарлик, Ултонтоздаги тубанлик, Тойчихондаги разиллик достоннинг умумий йўналишида муҳим ҳалқадир.

“Алпомиш” достони истиқол йиллари асл эътирофга, чинакам эъзозга эришди, унинг қадри ва қиммати ошди, унинг иккинчи баҳори бошланди. Қадим ва азалий Шеробод достончилик мактабининг ўлмас анъаналарини давом эттириб келаётган Ўзбекистон ҳалқ бахшилари Хушбоқ Марданақулов, Шоберди Болтаев, Бобораҳим Маматмуродов, Абдуназар Поёновлар “Алпомиш” достонига янги умр бағишиладилар. “Алпомиш” достони бахшиларнинг дилида чунон йўғрилиб, тилида равон жаранглаб, ўтмиш билан бугунги кунни узвий боғлашда шойиста хизмат қилмоқда. “Алпомиш” достонининг Сурхон воҳаси бахшилари томонидан куйланишининг ўз гашти бор, чунки бу юрт достончилигининг ва бахшичилигининг ўзига хос тарихи ҳамда тақдири бор.

Ушбу мўъжаз рисолада “Алпомиш” достонига боғлиқ қизиқарли мавзуулар қаламга олинибди ва ҳар бир мавзунинг хос қирралари атрофлича таҳлилга жалб этилибди. Рисола муаллифи Шаҳноза Норқурова ўзига юклатилган масъулиятни уddyалай олган десак, заррача муболаға қилмаган бўламиз. Рисолада тилшунослик фанининг долзарб мавзуулари теварагида фикр-мулоҳазалар юритилиб, ҳар бир мавзу хусусида тааллуқли хуносалар ясалади. Рисоланинг биринчи бобида ономастик номлар достоннинг айни ўзидан келтирилган парчалар воситасида асослаб берилиши, астайдил изоҳланиши эътиборлидир. Иккинчи бобда достондаги мавжуд антропонимлар, исмлар, тарихий шахслар номи, афсонавий номлар, тўқима номлар, тахаллуслар, лақаблар, топонимлар, гидронимлар, этонимлар, теонимлар, зоонимлар алоҳида-алоҳида назардан ўtkазилади ва жiddий шарҳланади. Қолаверса, юқоридаги ономаларнинг рўйхати рисола охирида илова этилиши ишнинг муҳим жиҳатларидан бўлиб, рисоланинг илмийлик дарражасини таъминлашга хизмат қилган. Мазкур рисола илм ахли учун муносиб түхфа бўлишига ишонч билдириб, илм йўлида муаллифга юксак парвозлар тилаймиз.

**Профессор М.Э.ХАЙДАРОВ**

## **МУҚАДДИМА**

Ўзбек халқи бой маданий меросга эга. Бу маданий мерос тилида ўтмииш даврларга мансуб бўлган (баъзилари ҳозиргача мавжуд) бой материаллар сақланиб қолган ва бизгача етиб келган. Булар кўп сонли ислам, лақаблар, асар номлари, жой номлари, ҳайвон номлари, эл-уруг номлари ва бошқалар бўлиб, бу номларнинг юзага келиши ва ривожини, маъно ва услубий хусусиятларини ўрганиши нафақат ўзбек номшуносиги учун, балки тарих, этнография каби фанлар учун ҳам муҳимдир.

Туркий тиллар бадиий ономастикасига оид мулоҳазалар ономасиологлардан Т.Жонузоқов, С.Отаниёзов, Г.Сатторов, А.Шайхунов, ўзбек тилшуносларидан эса Т.Нафасов, Э.Бегматов, Э.Дўсимов, Ж.Омонтурдиев, Ё.Хўжамбердиев, З.Юнусова, Ш.Ёқубовларнинг ишларида учрайди. Аммо бу соҳада ҳали маҳсус олиб борилган фундаментал тадқиқотлар юзага келгани йўқ. Хусусан, бадиий матнлар ономастикаси маълум бир роман, достон, шу жумладан, “Алномиши” достонининг ономастикаси ҳам ҳали ишланмаган.

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг ёрқин намунаси, достонлар гултожи ҳисобланмиши “Алномиши” достонининг атоқли отлари, яъни ономастикаси ўзбек тарихий, хусусан, бадиий ономастикасининг таркибий қисмидир.

Ишимизнинг асосий мақсади достон қурилишини ташкил этган атоқли отларни ўрганиши, асар сюжети тузилишида номларнинг аҳамиятини кўрсатиб бериш, ўзбек тарихий номшуносиги-бадиий ономастикаси ривожига қўйшган муносиб ҳиссасини исботлашдир.

*Қайд қилингандын мақсадни амалга ошириши учун қуйидағы вазифаларни ҳал қилиш мақсад қилиб олинди.*

- “Алпомиши” достонининг сюжети түзилишида номларнинг аҳамиятини күрсатыши.

- Достондаги атоқли отларнинг материалини түплаш ва уларни номлаш (номинация) хусусиятлари ҳамда вазифаларига күра таснифлаш.

Достонда учрайдига атоқли отлар ушбу ишнинг тадқиқот обьектидир. Шунга күра достонда учрайдиган киши исмлари, лақаблар, илоҳийлаштирилган номлар, топонимлар, гидронимлар, оронимлар, зоонимлар, этнонимлар ва шу каби атоқли отлар мазкур ишнинг тадқиқот материали бўлиб хизмат қиласди. Достонда учрайдиган номларнинг умумий ҳајкми 150 дан ошади. Шулар орасида антропонимлар, тионимлар ва топонимлар миқдор жиҳатдан салмоқли ўрин тутади.

Ўзбек тарихий ва бадиий ономастикаси ушбу ишда “Алпомиши” достонидаги атоқли от материаллари асосида биринчи марта ўрганилмоқда. Ишда асарадаги атоқли отларнинг ҳајкми ва белгиланған номларнинг тематик гурӯхлари ва маънолари ўрганилган.

## I БОБ

# “АЛПОМИШ” ДОСТОНИ ҚУРИЛИШИДА ОНОМАСТИК НОМЛАРНИНГ ЎРНИ

“Предметга ном бериш, табиийки, тил ва тафаккурнинг пайдо бўлиш жараёнига бориб тақалади. Онгнинг шаклланиши ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниш, предметларни бир-бираидан фарқлаш, шу асосда уларга ном бериш, предмет билан унинг номи ўртасидаги муносабатни англаш кабиларни тақозо қилган. Ибтидоий атамашунослик шу тариқа аста-секин ривожланиб, борган сайин ижтимоий қиймат касб этган ва унда даврнинг руҳияти, урф-одатлари, орзу-умидлари, хоҳиш-истаклари ўз аксини топа бошлаган. Кейинчалик шахс ва предметларга, жумладан, инсонга маълум талаб асосида ном берила бошлаган”<sup>1</sup>.

Ҳар бир асар предметларнинг ёхуд инсонларнинг номлари асосида яратилади. Достоннинг ҳам ўз обьекти, қурилиши, ономастик сюжети мавжуд. Асарга бирор қаҳрамоннинг номи киритилар экан, унинг асосида бирор мақсад ётади. Масалан, “Алпомиш” достонидаги Алпомишни олайлик. У халқнинг ўй-хаёлларини, орзу-истакларини мужассамлаштирган, илоҳийлаштирилган образ ҳисобланади. Фикримизча, “Алпомиш” жуда қадимий кўхна достон бўлиб, элибойлар (чорвадорлар) зироатчиликдан бехабар инсонлар бўлишган: “Тойчихон мамлакатида, қалмоқ юртида, Тойчи вилоятида, Чилбир чўлида, ўн беш кунлик йўлида экиннинг майсаси бор эди. Бул бойлар ётган элибой экинни билмайди. Бу бойлар бу экинни кўриб:

“Қалмокларнинг ерлари қўнғир салқин бўлар экан”, - деб шу майсаларга, экиннинг устига Туркистондан ошган шу молларни рўпара ёғдириб, бошқариб, экинларни едириб юбора берди.

Чилбир чўлига бойларнинг моли келаётир, майсаларни оёқ ости қилиб, чигирткадай босиб, қоп-қора бўлиб, еб кетиб бораётир. Бойлар Ойна кўлига етиб, кўлни ёқалаб қўниб ётириб, молларини майсаларга, экинларга қўйиб, экин- майсаларни егизиб қўниб ётаётир”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Омонтурдиев Ж. Номлар тилсимоти. “Термиз университети” газетаси!. 2005, 9 феврал.

<sup>2</sup> “Алпомиш”(нашрга тайёрловчи Мирзаев Т.) Т: “Фан”нашриёти 1999. 84-бет.

Ушбу парчанинг ўзиёқ Бойсун-қўнғирот элатининг ўша даврда чорвадор, яъни "элибой" бўлганлиги, ҳадсиз моллари бор бўлганлиги, аммо экин экиш, дехқончиликнинг нима эканлигини билмасликларидан далолат беради. Қўнғирот эли чорвадор, кўчманчи эл бўлган, қаерда чорвага ўт-ўлан бўлса, ўша ўтлоқ жойларга кўчиб бориб, факат чорвачилик билан шуғулланган. Шу сабабали экин-тикинни, дехқончиликни билмаган.

Тарихдан маълумки, милоддан аввалги 4-минг йилликдаёқ Қадимги Шарқда шаҳар ва давлатлар, Марказий Осиё жанубида эса суформа дехқончилик вужудга келган<sup>3</sup>. Бу фикрлар достоннинг тарихи, илдизи янада чукур деб тахмин қилишимизга асос бўлади. "Алпомиш" уруғчилик муносабатларининг емирилиши ва феодал муносабатлар шакллана бошлаган бир даврда юзага келган. "Алпомиш" достонининг чиндан ҳам мана шу даврда яратилганлигини унда ифодаланган бош фоя ҳам тасдиқлайди. Фольклоршунос М.Сайдов марказлашган давлат учун кураш фояси "Алпомиш" достонининг асосини ташкил этади, деган фикрни илгари суради, асарнинг бош қаҳрамони Алпомишни шундай давлатнинг ташкилотчиси сифатида талқин этади<sup>4</sup>.

Демак, халқ ботир, қўрқмас, енгилмас, сувда чўкмас, ўтда ёнмас, қилич ўтмас бир идеал қаҳрамонга эҳтиёж сезади, орзу қиласи ва шу тарика Алпомиш образи майдонга келади. Асл исми Ҳакимбек бўлган қаҳрамоннинг Алпомишга айланиши воқеасига бир эътибор қилайлик: "Шунда Ҳакимбек 7 ёшга кирган. Алпинбий бобосидан колган 14 ботмонли биринчдан бўлган парли ёйи бор эди. Ана шунда Ҳакимбек шул 14 ботмонли ёйни қўлига ушлаб, 7 яшар бола кўтариб тортиди, тортиб қўйиб юборди. Ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб кетди. Аскар тогининг катта чўққиларини юлиб ўтди, овозаси оламга кетди. 14 ботмон биринчдан бўлган ёй Ҳакимбекнинг Алпинбий алл бобосидан қолган. Уни Алпинбийдан сўнг шу вақтгача ҳеч ким кўтариб отолмаган. Ёйни кўтариб отишни факат Ҳакимбекгина уд далай олган. Буни эшитган душманлар "Бу бола зўр бўпти, назар топибди, буларга ҳеч ким баробар келолмайди, 7 яшар бола шундай ишни қиласми?!"- деб хафа бўлиб ётди. Дўстларнинг вақти хуш бўлиб юрди. Шунда барча халойиқлар йигилиб келиб айтди: "Дунёдан бир кам

<sup>3</sup> Сайдуллаев А.С. ва б. "Ўзбекистон тарихи" 6-синф учун дарслик. Т.: Шарқ, 2000.-73-б.

<sup>4</sup> Сайдов М. Ўзбек халқ достончилигига бадиий маҳорат. Т.: 1969, 144-178 б.

90 алп ўтди, алпларнинг бошлиғи Рустами достон эди, охири бу Алпомиш алп бўлсин. 90 алпнинг бири бўлиб санага ўтди”, деди. Охири Алпомишбек алп бўлиб, тўқсон алпнинг бири бўлиб, санага ўтиб, алплик отини кўтариб, етти ёшида Алпомиш оти кўйилди. Ана шундан етти ёшида ёйни кўтариб отгани учун Алпомиш алп аталди.<sup>5</sup> Бойбўрининг ўғли Ҳакимбек Алп бўлган эмиш, Алп эмиш деб, кейин Алпомиш бўлиб кетди.

Алплик Ҳакимбекнинг қонида бор эди. Чунки Ҳакимбекни Алпомиш атантирган ўн тўрт ботмон биринчдан бўлган парли ёй ҳам асли унинг бобоси Добонбийга тегишли бўлган. Демак, алпнинг бобоси Добонбий ҳам алп бўлган. “Добон”- довондан ошсин ёки довонда туғилган бола деган маънони билдиради. “бий” (Бег) ҳукмдор, бошлиқ, ўтмишда маҳсус мансаблардан бирининг номи бўлган<sup>6</sup>. Ҳам бой бўлиб, ҳам эл устига бек бўлса, уни “бий” деб аташган. Шундан келиб чиқиб, достонда тасвирланган Бойсун ўлкасида истиқомат қилувчи Кўнғирот элининг бошлиғига “Добонбий” деб ном берилган бўлиши мумкин. Добонбий антропонимига кенг тўхталиб ўтирмаймиз. Чунки у достоннинг бош қаҳрамони Алпомишнинг насл-насабини, келиб чиқишини баён қилиш учунгина асарнинг бошида бир маротаба тилга олинади, холос. “Добонбийдан Алпинбий деган ўғил фарзанд пайдо бўлади. Алпинбийдан таги икки ўғил пайдо бўлди: каттаконининг отини Бойбўри қўйди, кичкинасининг отини Бойсари қўйди”<sup>7</sup>. Алпомишнинг аждодлари учун танланган номга эътибор қиласайлик. Алпинбий алп, жасур, довюрак ҳукмдор маъносини англатади. “Бойбўри-бой” давлатли, бадавлат, ҳукмрон. “Бўри” қадимий одатга кўра фарзандлари турмагани сабабли оғиз атрофи терисидан кесиб олиниб, соғ бўлсин, маҳкам бўлсин деб бўрининг жағидан (терисидан) ўтказиб олган ва бундай фарзандга Бўри ёки Бўри-бой ёхуд Бойбўри деб исм қўйишган. Бўри қадимда ўзбекларнинг тотеми бўлиб, улуғ, буюк, муқаддас, кудратли маънолари бор. “Бойсари”- “Бой”, “Сари”-сариқ рангли бола, сариқ сочли бола ёки таникли оқ суюклар, аслзодалар авлодига мансуб; “Бой”+“Сари”: бой-давлатли “сар” (форсча) бош, яъни бойларнинг боши, бошлиғи; Бой+сари- бойлик сари томон, бой-бадавлат бўлсин деган мақсадда киритилган деб изоҳлаш мумкин. Ушбу таҳминларимиздан “Алпомиш” бой-бадавлат ҳукмдорларнинг авлоди

<sup>5</sup> Алпомиш.-Т: Фан 1999. 70-бет.

<sup>6</sup> Бегматов Э. Ўзбек исмлари. Т.: 2000.583 б.

<sup>7</sup> Алпомиш. .-Т.:Фан 1999. 67-бет.

эканлиги равшан. Алпомишининг отаси шоҳ, амакиси эса бой бўлган. Достоннинг бошланишида шундай дейилади: “Бойсари бой эди, Бойбўри эса шой (шоҳ) эди, бул иккови ҳам фарзанд тилаб эди.<sup>8</sup> Бойбури шоҳ бўлса-да, Бойсари ҳам мустақил одам “ўн минг уйли қариндош” нинг “беги”, “тўраси”. (бойларнинг оқсоқоли яъни бошоти бўлган).

Муна элда мен ҳам бекман, тўраман...<sup>9</sup>

Ёки:

Муна элда ўзинг улуғ-тўрасан,

Ҳар не қилсанг, шоҳим, ўзинг биласан<sup>10</sup>.

Демак, бир элда икки айри ҳокимлик, аммо қай жиҳатдан-дир бир ҳокимликнинг иккинчисига мутелик жойи бор.

Добонбийларнинг шоҳлик даврида тўйлар бўлган, аммо акука даврида бўлган бир чуфурон тўй бу шоҳлик салтанатида сифат ўзгаришининг содир бўлишига сабаб бўлди. Тўйда акукани илгаригидай иззат қилишмайди. Бийларнинг кўнглини хушламайди, отини ушламайди, остига либос ташламади, ош тортди, сузган товоқни чошламади, ош тортганда ошнинг кетини тортди. Бийлар сабабини сўрашганда, Бойбўри билан Бойсарининг бефарзандлигини юзига солишади. Улар хафа бўлиб, саксон тилладан чуфронга ташлаб, тўйдан чиқиб кетадилар. Фарзанд хусусида Шоҳимардон пир равзасига бориб сифи надилар. Қирқ кечаю-қирқ кундуз турбатга тушиб ётиб, мозоротни зиёрат қилганларидан сўнг ахийри муродига етадилар.

Шарқда бола туғилганида исм қўйишга шошилган. Етти кун тўлгунгача исм берилиб, бешикка беланган. Чақалоқ номи муллалар ёки мўътабар шахслар томонидан танланиб, қулоfiga аzon айтиш орқали эълон қилинган. Бу анъана (умуман ном беришга бўлган талаб ва эҳтиёжлар) оғзаки ва ёзма адабиётда ҳам ўз аксини топган.<sup>11</sup>

Ушбу ўзбекона урф-одат, маросимнинг илдизини аждодларимиз ижодий даҳосининг бебаҳо ёдгорлиги бўлган “Алпомиш” достони мисолида ҳам кузатамиз. Достонда қаҳрамон туғилиши диний ақидалар-Шоҳимардон пирга, ҳазрат Алига, диний илоҳий қарашларга боғланган. Қаҳрамон

<sup>8</sup> Ўша китоб 67- бет.

<sup>9</sup> Ўша китоб 67- бет.

<sup>10</sup> Ўша китоб 67- бет.

<sup>11</sup> Омонтурдиев Ж. Номлар тилсимоти. “Термиз университети” газетаси. 2005, 9 февраль.

Аллоҳнинг шери - Шоҳимардан пирнинг кудрати билан туғилади ва орадан қирқ кун ўтгач, пирнинг ўзи қаландар қиёфасида келиб, “Бойбўри ўғлининг отини Ҳакимбек қўйди, ўнг кифтига беш қўлини урди. Беш панжанинг ўрни доғ бўлиб, билиниб қолди”. Қаҳрамоннинг ўтда куймаслиги, сувда чўкмаслиги, қилич чопмаслиги шу билан изоҳланади. Ва шундайноқ қаҳрамон номини идеаллаштириш, илоҳийлаштириш бошланади. Ҳалқнинг идеалидаги қаҳрамон етти ёшида 14 ботмон парли ёйни кўтариб, Асқар тогининг чўққисини учиради. Ўн тўрт ёшида бутун қалмоқ ҳолин ўсал қилиб, бир кам 90 алпни енгади ва ёрини талашдан айириб олиб келади. Унинг ёри Барчин уюштирувчи образ ҳисобланиб, асарнинг марказида туради. Аразлашган ака-укаларни яраштириш, уруғни бирлаштириш ва фақат Алпомишга ёр бўлиш Барчиннинг пешонасига битилган тақдир эди.

Янги туғилган чақалоқларга ном бериш маросимини бир эслайлик: “Бойсарининг қизини отини ой Барчин қўйди. Ана шунда Шоҳимардан пири Ҳакимбекка ой Барчинни аташтириб, бешиккертти қилиб: Бу иккови эру-хотин бўлсин, Ҳакимбек билан ҳеч бир киши баробар бўлолмасин, омин, оллоҳу акбар”, деб фотиҳани бетига тортди”<sup>12</sup>

Асарнинг тугуни закот муаммосидан бошланади, достондаги муҳим нуқталардан бири ҳам шу.

Ҳакимбек “шоҳлик, сипоҳлик илми”га қизиқса, Барчин “қўй соғмоққа уста” бўлмоқчи эди. Кўчманчи қўнғирот элида ўғил болаларга сипоҳлик, қиличбозлик, от чопиш, полвонлик каби илмлар билан бир қаторда хат-савод чиқариш, шариат қонун-қоидаларини ўргатиш каби илмлар ўқитилган, беклилка тайёрланган. Қиз болаларга эса қўй - эчки соғиш ва уй-рўзғор юмушлари ўргатилган, бекаликка тайёрланган.

Кунлардан бир кун Ҳакимбек китоб ўқиб ўтирганда баҳилликдан, сахийлиқдан гап чиқиб қолди. Бойбўри Алпомишдан: “Киши нимадан баҳил бўлади, нимадан сахий бўлади? - деб сўрайди. Ҳўш, Алпомишга қадар Бойбўрининг ўзи шоҳлик салтанатида ўтириб, мусулмон шариатининг “баҳил”, “саҳий”, “закот” деган тушунчаларини билмасми? Алпомишдан сўраган экан, унгача албатта, китоб кўрган, шариат қонун-қоидаларини билган зодагон давлат кишиси йўқ эди.

<sup>12</sup> Ўша китоб 70- бет..

Қурсин Ҳакимбеги мулло бўлибди,  
Безакот молларни ҳаром қилибди.  
Кўнғирот элдан молга закот келибди.<sup>13</sup>

Демак, достон бошлама қисмининг бутун тайёргарлиги “закот” учун... Аслида, закот солиш Бойбўрига нима учун керак бўлиб қолди? Бу элларда закот йўқ экан, бундан кейин ҳам закотсиз яшайверса бўлмасмиди? Бойсари бой эди, Бойбўри шоҳ эди. Бир элда иккови ҳам мустақил эди. Табиийки, шоҳ Бойбўрига бу ҳол ёқмас эди. Чунки, унинг бир эмас, икки устунлиги бор: “Ўн олти уруф қўнғирот элининг ҳам бийи, шойи, ҳам Барчиннинг қайин отаси бўлмиши” :

Сен эшитгин Бойсарининг тилини,  
Акам бизга миннат қилди улини.<sup>14</sup>

Ҳокими мутлақ бўлишни истаган Бойбўрига Ҳакимбекнинг ўқиётган китобидан чиқсан закот қўл келиб қолди. У инисининг молига муҳтож эмас, ўзиники ачиб ётибди. “Давлати”да “ёлғиз иниси баҳилга чиқиб кетмасин”, Шунга кўра Бойбўрига закот бериши керак. Майли, “ўз розилиги билан бир ориқ улокни закот деб... берсин, закот ўринига ўтар”.

Закот деб бергандан сўнг бир ориқ улоқ берадими, бир ийлиқи подасини берадими, барибир, қарамлигини намойиш қилган бўлади-да! Бойбўрининг закотдан ва “бир ориқ улоқ” найрангидан тутган мақсади шу. Шунинг учун ҳам кўчиб кетаётган укасини ўйлдан қайтармайди. Алпомиш Барчинга бораман деганда қаршилик кўрсатади. Алпомиш Барчинга бориши, қалмоқ юртида ёрини айириб олиб қайтишида воситаи сабаб бўлган бир образ борки, у ҳам бўлса, Ҳакимбекнинг синглиси, Бойбўрининг жигаргўшаси Қалдирғочойимдир.

Олий насаб авлодга мансуб қиз, яна бир маъноси қайрилма қошли гўзал қиз<sup>15</sup> мазмунини берувчи Қалдирғоч зооантропоними эзотик қараашлар маҳсули бўлиб, Шоҳимардон пирнинг кудрати билан туғилади. Ака-укалар 40 кун турбатда тунаганларидан сўнг, боз равзадан овоз келиб, шу аён бўлади:

“Бойбўри, сенга худойим бир ўғил, бир қиз берди, ёлғиз эмас, эгиз берди” Демак, Бойбўрининг туғилажак қизи ёлғиз ўғилнинг ёлғизлигини билдириловчи “эгиз”дир. Унинг исмини ҳам кароматгўй Шоҳимардон пирнинг ўзлари қўяди:

<sup>13</sup> Ўша китоб 71- бет.

<sup>14</sup> Ўша китоб 98- бет.

<sup>15</sup> Бегматов Э. Ўзбек исмлари. Т.: 2000.583 б.

"Равзадаги сўзлаган овозни эшитгани сабабли, Шоҳимардан пирим шул киши бўлмаса,- деб бийлар ўрнидан туриб, олдига пешвоз чиқиб, салом бериб, зиёрат қилиб, мажлисхонага бошлаб олиб келди. Шунда фарзандларининг учовини ҳам олиб келиб, Шоҳимардан пир этагига солди. Шоҳимардан пири Бойбўрининг қизини отини Қалдирғочайим қўйди".

Биламизки, шарқ оламида қалдирғоч инсонларга яхшилик қилувчи күш ҳисобланади. Ривоятга кўра, бу күш инсонни илонга ем бўлишдан сақлаб қолган. Ҳакимбекнинг синглисининг оти ҳам айнан шу одамларга яхшилик қилувчи қушга нисбат берилган ҳолда танланган деб тахмин қилишимиз мумкин. Қалдирғочнинг илк фаолиятиданоқ буни кўрамиз. Воқеа Бойбўри Барчиннинг хатини яшириб қўйгани, Қалдирғоч уни топиб олганидан бошланади. Достонда Қалдирғоч акасидан-да шижоаткор қилиб тасвирланади. Алпомишнинг Барчиннинг хатига жавобан айтган "Олтойчилик йўлда бўлса, қалмоқнинг элида бўлса, зўр ёвнинг қўлида бўлса, бир хотин оламиз деб сандирақлаб ўламизми", мазмунидаги гапларини эшлиб шундай дейди:

Мард йигитнинг ёри талош бўлами,  
Эр йигитнинг ёрин қалмоқ олами,  
Барчин чечам талош бўлиб қолами?  
Ака, айтган сўсим оғир олмагин,  
Нар-мода ишини бунда қилмагин.  
Сен бормасанг, ёринг қалмоқ олади,  
Барчин йиглаб нима илож қиласди?  
Ҳар ким ўз элида бекми, тўрами,  
Нар-модалар сендан камроқ бўлами  
Марднинг ёри той-талашда қолами.,?<sup>16</sup>

Шу тариқа заҳарханда, аччиқ гаплар орқали акасининг ғурӯрини қўзғатишга, қаҳрамонлик қилишга ундейди. Ва бу мақсадига эришади ҳам. Шу тариқа Қалдирғоч икки ёшнинг ва иккига бўлинниб кетган халқнинг, хусусан, aka-укаларнинг яна қайта бирлашиши учун илк сабаб бўлади.

Достон икки қисмдан иборат, бунинг ҳикмати бор: биринчи қисмнинг давом этиши янгилик билан эскилилк ўртасидаги кураш, давлатчиликни қарор топтириш учун ҳаракат, марказлашган давлат барпо қилиш учун ва ҳокимиятга нисбатан зўрлик ишлатишга қарши кураш акс этади. Алпомиш енгиб

<sup>16</sup> Ўша китоб 123- бет.

чиқади. Афтидан, ана шу икки қисм бир вактда яратылған әмас. Эхтимол, улар икки қаҳрамон ҳақидаги достон бўлиши ҳам мумкин. Кейинчалик Алпомиш номи билан боғланиб, бир бутун достон шаклини олган бўлса, ажабланадиган жоий йўқ. Бу, албатта, асосий муаммо “закот” масаласидан келиб чиқкан. Достоннинг биринчи боби якунидаги мазкур мисраларга эътибор берайлик:

Қариндошлар, эшилт айтган сўзимни,  
Керак бўлса, олиб кетсин қизимни.  
Бориб мен акамга таъна бўлгунча,  
Қалмоқ ўйиб олсин икки кўзимни.<sup>17</sup>

Бойсари Барчинни узатишда дейди:

Тойрилиб бошимдан тожи давлатим,  
Бойбўрига танҳо қолди элатим.<sup>18</sup>

Демак, Бойсари акасининг “зарбидан сарсон бўлган”, “тож давлат” бошидан кетган шоҳ эди. “Закот” деган одатини кўймаган акасига ўз мустақиллигини топташни, уруғларнинг бирлашувини истамаган шахс эди. Элат Бойбўрига танҳо қолди. Бойсари ҳам ҳаётдан ўз мукофотини олди, унинг азобини Тойчихон берди: ўз молларига ўзи етим бўлиб қолди. Шу ҳақда дейди:

Чиқиб эдим, мен акамдан ўпкалааб,  
Хозир менга қалмоқ бўлгандир тараф.  
Душман экан, билмаганим билдириди,  
Ҳар не деса айтганини қилдириди.  
Арза берай Бойсун-Қўнғирот хонига,  
Элтсин Бойбўридай меҳрибонига<sup>19</sup>.

Лекин Бойсари ўз гапини яна қайтариб олади:

Янгилиш айтибман сенга сўзимни,  
Эсима олмапман Барчин қизимни.  
Ҳаялласанг оша оғир олмагин,  
Қизима бер, Бойбўрига бермагин<sup>20</sup>.

Бойсари жуда яхши биладики, уни қутқариш учун Барчин әмас, ё Алпомишнинг ўзи келади, ё Бойбўри лашкар тортиб кела-ди. Лекин оғир аҳволда турганда ҳам аризани Бойбўрига әмас, Барчинга бер дейди. Тўғридан-тўғри Бойбўрига беришга бўйни ёр бермай, Барчин орқали аҳволини билдиримокчи бўлади.

<sup>17</sup> Норалиев Ж. Алпомиш юрга қайтди.- Т,: Ёзувчи, 1999.- 18-б.

<sup>18</sup> Ўша китоб 115- бет.

<sup>19</sup> Ўша китоб 241- бет.

<sup>20</sup> Ўша китоб 242- бет.

Мағрурлик сина бошлайди. Аммо Бойбўри ҳам Бойсарини олиб келишга “кўзи учиб турган” эмас. Шоҳ анойилик қилмайди-Алпомишни йўлдан уради: “Бойсарининг қизини олиб келдинг, ўзини бошингга урасанми?”- дейди.

Бойсари ҳам тақдиридан кўрар-да,  
Куни битса, охир бир кун ўлар-да,  
Ўлмаса, бир куни ўзи келар-да,  
Ҳар ишни бандага Худо қилар-да  
Худо қилганига банда кўнарда.  
Ўзим ўлмай, сенга жавоб бермайман,  
Жавоб бериб, сендан жудо бўлмайман<sup>21</sup>.

Бойбўри Бойсарининг ўзи келишини, акаси оёғига бош уриб сифинишини истайди. Асар ечимида Бойбўри фаолиятсиз туради: Бойсарига ўн одамни Алпомиш юборади.

Достонда Алпомиш билан Барчин орасидаги муҳаббат софлиги, самимийлиги йигитнинг қаҳрамонлигига, қизнинг садоқатида намоён бўлади. Достоннинг қимматли хусусиятларидан бири шуки, Алпомиш билан Барчин орасида муҳаббат бор, улар бир-бири сиз туролмайдилар, деб қуруқ изоҳ берилмайди. Уларнинг бир-бирига бўлган садоқати ички кечинмаларида яқол кўринади.

Мени билсанг, Кўнғиротларнинг оғаси,  
Бошимда бор эр йигитнинг жигаси,  
Ёз бўлса, яйловим Аму ёқаси,  
Мени билсанг Кўнғирот элнинг тўраси.  
Кўк қамиш кўлидан суксур учирдим,  
Суксурни излаган лочин бўламан.  
Боғларим зумраддан, чангалим пўлат,  
Кўнғиротдан кўйилган шунқор бўламан.  
Бойлигидан бедов отни бойлаган,  
Танқа ташлаб, Олатогни ёйлаган,  
Камбағали қирқ минг гала ҳайдаган,  
Шу галага бизнинг бир моя келган,  
Шу моянинг йўқчиси, нори бўламан.  
Ҳасратдан ғамга тўлдим оҳ уриб,  
Олтойчилик йўлдан келдим ахтариб...

Бу ўшшатма орқали айтилган гапларда Алпомишнинг дил изтироби, соғинчи зоҳир. Ушбу парча орқали достонда эвфемик воситалардан ҳам қанчалик кенг ва

<sup>21</sup> Ўша китоб 242- бет.

ўринли фойдаланилганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, Алпомиш атамаси ўрнига “Қўнғиротларнинг оғаси”, “Қўнғирот элнинг тўраси”, “Суқсурни излаган лочин”, “Қўнғиротдан қўйилган шунқор”, “Шу туяниш йўқчиси, нори ” сингари кўплаб эвфемик антропонимлар қаҳрамоннинг ўз тилидан айтилади. “Суқсурни учирган лочин бўламан, моя излаб юрган нор бўламан”, дея антропонимларни куш ва ҳайвон номлари орқали ифодалайди. “Суқсур”, “моя” атамалари замирида Барчин турганилиги ҳам китобхонга аён бўлади. Демак, бунда антропонимлар зооантропонимик эвфемалар орқали англатилади. Бу каби эвфемик воситаларни достонда кўплаб учратишимиш мумкин.<sup>22</sup>

Инсонга ном бериш, инсон билан унинг номи ўртасидаги муносабат масаласи қадим замондан бошлаб ҳозиргача барча халқлар эътиборини жалб этиб келган.

Атамашунослик тариҳидан маълумки, номлар инсон орзуумиди, энг яхши фантазияси асосида қўйилади. Бироқ шунга қарамай, кўпгина номлар турли сабабларга кўра қайта табулаштирилиб, янги эвфемик номлар билан аталган.<sup>23</sup>

Шу тариқа эвфемикалаштиришни достонда ҳам кўплаб учратамиз. Масалан, Барчин тилидан айтилган қўйидаги парчага эътибор қиласайлик:

Хоним келса, сендей қолмоқ ўлмайми,  
Холинг билиб тўғри юрсанг бўлмайми.

Бешиккертти қилинган қиз ўз ёрининг исмини айтмасдан, табулаштиради. “Хоним” эвфемаси “Алпомиш” номи ўрнида келади. Яна бир мисол:

Чокасда шунқорим бордир,  
Элда зўраборим бордир  
Қатордаги норим бордир,  
Чилла кирганда маст бўлган,  
Хатапга бошини урган,  
Не зўрларнинг додин берган,  
Қўнғиротда қайсарим бордир.

Барчин бунда ўз ёрини таъриф-тавсиф қилиш учун ҳам эвфемик асосга таянади. “Ёрим бор” деган тушунчани мумкин қадар юмшатиб, шу билан бир қаторда, улуғлаб (элда зўраборим),

<sup>22</sup> Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси. Т.: Фан, 2006, - 232 б.

<sup>23</sup> Омонтурдиев А., Ўзбек нутқининг эвфемик асослари. Т. 2000.-41-б.

кўкларга кўтариб (не зўрларнинг додин берган) ифода этган “Чокасда шунқорим”, “элда зўраборим”, “қатордаги норим”, “қўнғиротда қайсарим” каби эвфемик бирикмалар бўлажак ёрига нисбатан берилган. Шарқ аёллари ўртасида турмуш ўртоғининг номини айтмаслик, унинг ўрнига эвфемик мурожаатлардан фойдаланиш русм бўлган. Хусусан, Барчин нутқида, “бий бобомнинг ули”, “хоним”, “хон тўрам”, “тўрам”, “полвон”, “бек” каби кўплаб эвфемик мурожаатлар учрайди.

Умуман, эр тушунчасини ифодаловчи йигирмадан ортиқ деярли тил фактига айланган эвфемаларнинг ҳар қайсисининг қўлланиш ўрни мавжуд. Шулардан бегим, тўрам сўзлари ихчам ва адабий тилга жуда мос келади. Алпомишнинг номини ҳатто Барчиннинг онаси ҳам табулаштиради ва тўғридан-тўғри айтмайди:

Қозонда қайнаётган ширбоз гўшт эмас,  
Тўрда ўтирган қизнинг боши бўш эмас.  
Қизим домат бобосининг улига.  
Мол бергани Бойсин-Қўнғирот элида ...  
Учар қушдан ўтар бул минган оти,  
Мингни кесар қўлда кесар пўлати.  
Кўрса душманларнинг қолмас тоқати,  
Асли ўзи қўнғирот элининг бекзоди,  
Шул қизимнинг бул аташган домати,  
Шул бўлади бир юртнинг валламати.<sup>24</sup>

У Алпомишни қатор эвфемик номлар билан аташ баробарида, ўзларини “қарчигай” га, қалмоқларни “қарға” га менгзайди:

Қарчигай қарғага емтик берами,  
Қайсар келса, алплар омон қолами?!  
Бир куни бу ердан хабар бормайми,  
Олтойчилик йўлдан шунқор келмайми?!<sup>25</sup>

Шу тариқа қуш номларидан усталик билан фойдаланиш Бойсарининг нутқида ҳам учрайди:

Давлат қўнса бир чибиннинг бошига,  
Семурф қушлар салом берар қошига.

Бойбўри, Бойсари ва Алпомиш Кўнғирот элининг қайси уруғига мансублиги масаласи ҳам баҳслидир. Жумладан, Х.Т.Зарифов бу хусусида тўхталиб, Алпомиш ва унинг оталари Кўнғирот элининг қанжиғали уруғига мансуб деб кўрсатади. Бизнингча, Алпомиш ва унинг оталари Кўнғирот элининг Кўштамғали

<sup>24</sup> Ўша китоб 97- бет.

<sup>25</sup> Ўша китоб 97- бет.

уруғига мансуб бўлиши лозим. Достонда “ўн олти уруғ қўнғирот” деб аниқ кўрсатилади. Достон “Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруғ қўнғирот элида Добонбий деган ўтди” деб бошланади, ҳатто. Агар қўнғиротликларнинг этнографик жиҳатдан келиб чи-кишига назар солсак, улар беш катта уруққа бўлинади:

1. Вахтамғали. Бу уруғ, ўз навбатида, 18 аймоққа бўлиниади. Шунинг учун у 18 ота Вахтамғали деб юритилади.
2. Қўштамғали ўн олти ота Қўштамғали.
3. Ҳонжигали ёки Ҳонжигали - ўн тўрт она Ҳонжигали.
4. Айнли ёки Айнни ўн икки ота Айнли.
5. Тортувли, олти ота Тортувли.<sup>26</sup>

Мана шу бўлиниш жиҳатдан қаралса, Алпомиш ва унинг оталари Ҳонжигали эмас, балки Қўштамғали уруғига мансуб бўлиб чиқадилар.

Қўнғирот уруғининг бўлинишини аниқ айтиш ва билиш мушкул, турли вилоятларда турлича, Қорáқалпоқда эса яна бошқачароқ.

---

<sup>26</sup> Бердиқулов Қ. Қўнғиротлар. Т.: 1999, 11-б.

## II БОБ

### “АЛПОМИШ” ДОСТОНИДАГИ ОНОМАСТИК ВОСИТАЛАР ТАСНИФИ

Тил ижтимоий ҳодисалардан бири бўлиб, уни ҳалқнинг ўзи яратади. Тилда ҳар бир ҳалқнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий қаравшлари, миллий расм-руссумлари, турмуш тарзи, орзу-истаклари ўз ифодасини топади. Ҳар бир ҳодиса тилнинг лексикасида сўзлар орқали баён қилинади. Тилшунослиқда шундай луғавий қатламлар борки, улар маълум бир ҳалқнинг ҳаёти, урф-одатлари билан боғлиқдир. Бундай луғавий қатламларни ўрганиш ўша ҳалқ тарихи ва этнографиясини ўрганишни тақозо этади.

Номшунослик (исмшунослик, топонимика) ҳар бир ҳалқ тарихи, этнографияси уларнинг ижтимоий-сиёсий қаравшлари билан боғлиқ кечади.<sup>27</sup>

Ономастиканинг ҳамма бўлимлари ҳам кишилар тарихи билан боғланиб келади. Кишиларга ва жойларга ном бериш турли даврларда ҳалқнинг ижтимоий ҳаёти, шароитларининг жамиятда тутган ўрни, унинг маданий савияси, дунёқараши, урф-одати билан боғлиқ.<sup>28</sup>

Бундай ҳолат тарихчилар, географлар, тилшунослар учун ҳам бой материал бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, тарихий ономастика ўзига хос ҳусусиятга эга.

Ономастика ва унинг маҳсули ҳисобланувчи антропонимика, топонимика, этнонимика, астронимикалар ва атоқли отларнинг бошқа типлари узоқ даврлардан буён тилимизда сақланиб келаётган луғавий бойлик ҳисобланади. Бу сўзлар турли даврларда яшаган ҳалқларнинг ҳаёти, урф-одатлари ва расм-руссумларининг ифодаси сифатида бугунги кунгача сақланиб қолган. Ҳусусан, “Алпомиш” достонидаги кўпгина антропонимлар ва ҳатто жой номлари ҳам бугунги кунгача етиб келган ва сақланиб қолган.

Тилдаги атоқли отлар лингвистик ва нолингвистик жиҳатдан ҳам, тузилиш жиҳатдан ҳам мураккабдир. Бу номлар тил луғатидаги мураккаб лексик-семантик тизимлар, гурухлар йиғиндисидир.

<sup>27</sup> Никонов В.А. *Личные имена в прошлом, настоящем, будущем. М. 1971. с-5.*

<sup>28</sup> Бегматов Э., Минонжиев А., Абдураҳмонов Д. “Исмингизнинг маъниси нима?” Т.: Фан, 1968. 6-б.

Тарихий ономастика материалларининг ҳар томонлама таҳлил қилиниши уларнинг лисоний ва нолисоний моҳиятини очиш учун хилма-хил усул ва аспектларда иш олиб бориш лозим бўлади. Кейинги йилларда ўзбек ономастикаси юзасидан, хусусан, унинг антропонимия ва топонимия бўлимлари соҳасида Эрнест Бегматов, Тура Нафасов, Зариф Дўсимов, Жаббор Омонтурдиев, Шариф Ёкубов каби ўнлаб олимлар илмий тадқиқотлар олиб бориб, бу фаннинг ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар ва қўшмоқдалар.

Номларни лингвистик ва нолингвистик жиҳатдан ўрганиш уларнинг материалларини маълум усусларда тасниф қилишни талаб қиласди. Профессор А.В.Суперанская бу ҳакда: "Атоқли отлар таҳлилини маълум классификацияларсиз амалга ошириш мумкин эмас. Чунки ономастик ишда у тадқиқотнинг асосий ҳаракат программаси бўлиб хизмат қиласди ҳамда масалани аниқ тавсифлаш учун тадқиқотчи томонидан аниқлик киритилади. Баъзан ишнинг асоси-шу таснифнинг ўзи бўлиши ҳам мумкин. Ономастик ҳодисаларнинг турли – туманлиги туфайли отлар устида ўтказиладиган классификация параметрлари ҳам турли бўлиши табиийдир"<sup>29</sup> деб ёзган эди.

Ономастик тадқиқотларнинг ўзи атоқли отлар классификациясини юзага келтиради. Бундай тасниф қилишнинг ҳам ўз тарихи, қонуниятлари бор. Олимлар узоқ йиллар давомида турли хил ономастик классификацияларни яратиб, бу борада маълум ютуқларни қўлга киритдилар.

Ономастика узоқ йиллар тилшуносликнинг бўлими сифатида тан олинмасдан, тарих, география ва бошқа фанлар учун ёрдамчи восита сифатида қараб келинар эди. Чунки тилдаги атоқли отлар турдош отларга нисбатан номнинг нолисоний томонлари билан кўпроқ боғланган бўлади.<sup>30</sup> Ономастика тилшуносликнинг асосий бўлими сифатида тан олингандан кейин антропонимия ва топонимия материалларини классификация қилиш иши билан кўплаб олимлар шуғулланди.

Биз ономастика, хусусан, тарихий ономастика ҳақида уларнинг илмий тадқиқот ишларига таяниб иш тутамиз. Шу билан

<sup>29</sup> Суперанская А.В. Общая теория собственных имён.-М.: Наука. 1973.-с. 148.

<sup>30</sup> Ономастика, сборник, М.: Наука, 1969. с-3.

бирга таъкидлаш лозимки, ҳар қандай ҳолда ҳам таснифнинг фойдали ёки ўринли-ўринсиз эканини лисоний материалнинг, тўплланган тил материалининг ўзи белгилайди. Шу сабабли ҳар қандай атоқли отларни тасниф қилишнинг қандай усул ва йўллари мавжудлиги ҳақида ўз мулоҳазаларимизни билдириб ўтмоқчимиз.

I. Атоқли отларни қандай обьект (субъект ҳам)ни ифодалашига кўра таснифлаш. Бугунги кунда онамастик тадқиқотларда кўп кўлланилаётган антропонимлар, топонимлар, зоонимлар, астронимлар, теонимлар, хремотонимлар сингари терминлар ва улар заминида ётувчи атоқли отлар мазкур таснифнинг маҳсулни ҳисобланади.

II. Ифодаланаётган обьектнинг ҳажмий хусусиятига кўра номлар таснифи: макротопонимлар (Бойсун, Тойчихон вилояти, Туркистон вилояти, Чилбир чўли, Астрахон, Самарқанд, Тошкент, Тўқайистон, Чин-Мочин, Шаҳрисабз, Кўқон, Фазна ва Машриқ, Кашал; Эрон); микротопонимлар (Муродтепа, Янгибозор, Алпомиш зиндани, Шоҳимардон пир равзаси, Товка кўргани, Товка боғи ушбу таснифга кирган.

III. Атоқли отга асос бўлган апеллятив сўзнинг тарихий лисоний - генетик манбаи, яъни қайси тилга мансублигига кўра номлар таснифи. Масалан, Бойсари, Бойбўри, Қалдирғоч, Барчин ўзбекча, Рустам пахлавийча, Юсуф-қадимги яхудийча, Ёдгор, Бодомбикач — форс-тоҷикча.

Номшунослик тадқиқотларида кенг кўлланилиб келинаётган умумтуркий номлар, ўзбекча номлар, форс-тоҷикча номлар, арабча номлар, мўгулча номлар, хитойча номлар деб юритилаётган тушунчалар мана шу таснифга асослангандир.

IV. Онамастик материални замонавий нуқтаи назардан ўрганиш ва таснифлаш мумкин. Бу йўл билан ҳозирда: а) нонфункционал, ўлик номлар б) функционал ёки тирик (ҳаётий) номларга ажратилади. Уларни “ўлик номлар”, “тирик номлар” сингари терминлар билан ҳам аташ мумкин. Чунончи, “Алпомиш” достонида учрайдиган Ҳаштархон, Машриқ, Чин-Мочин, топонимлари ўлик; Кўқон, Тошкан, Бойсун, Самарқанд, Шаҳрисабз, Регистон, Макка, Мадина, Эрон, Шоҳимардон, Чорсу номлари тирик атоқли отлар сирасига киради.

V. Номлар фондидан, айниқса, ўзбек онамастикасида реал, яъни ҳаётда мавжуд ва нореал, яъни афсонавий, тўқима, диний,

мифик номлар учрайди. Бу номларни улар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда: а) ҳаётда конкрет мавжуд бўлган, яъни реал номлар, б) нореал, яъни ҳаётда мавжуд бўлмаган, рамзий атоқли отларга бўлиб ўрганиш мумкин. Иккинчи хил номлар орасида ҳаётда абадий тирик деб ҳисобланувчи ҳазрати Хизр (321-бет), ҳазрати Жолтонг (301-бет) сингари номлар ҳам мавжуд.

Юқорида санаб ўтилган ономастик таснифлар қўлланиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди. Баъзилари қўлланиш жиҳатдан универсал характерга эга бўлгани ҳолда, баъзилари эса маълум даражада чегараланган бўлади. Тадқиқотчи ўз ишида улардан қайси бирини қўллаши тўплланган материал-нинг хусусиятига қараб белгиланади.

Достонда учрайдиган атоқли отларни таҳлил қилишда ҳам ана шу юқорида келтирилган таснифлардан фойдаланса бўлади.

Шу билан бирга атоқли отларни тасниф қилишда яна бир нуқтаи назардан келиб чиқкан ҳолда иш тутиш имкони борлигини қайд этмоқчимиз. Бу кейинги пайтларда номшунослик ишларида қўлла-на бошлаган ономастик бирликлар “тушунча” билан боғлиқдир. Куйида мана шу тушунчага ва ономастик материлини тасниф қилишда фойдаланиш имкониятига қисқача тўхталамиз.

Маълумки, тил лексикасининг негизини турдош отлар таш-кил қиласди. Унинг лугавий бирикмалари сўздир. Тил лексика-сини икки катта гуруҳга бўлиш мумкин: а) апеллятив лексика, б) атоқли отлар. Мана шу икки гуруҳ-лугавий бойлик тил лугавий системасини ташкил қиласди. Қонуний савол туғи-лади: атоқли отлар тизими мустақил ҳодиса сифатида ўз лугавий бирикмаларига эгами? Буни аниқлаш тилнинг “оно-мастик тузилиши” дейилган тушунчани асослаш учун ҳам муҳимдир. Кейинги пайтда баъзи тилшунослар бу масалага аниқлик киритиши. Чунончи, озарбайжон номшуносларидан профессор А.Курбонов ўзининг атоқли отларга оид тадқиқот-ларида “ономастик воҳидлар” терминини ишлата бошлади<sup>31</sup>. Унинг фикрича ономастик системанинг лугавий бирли-гини “ономастик воҳидлар” ташкил қиласди, воҳидларга антро-понимлар, ктематонимлар киради.<sup>32</sup> А.Курбонов ушбу тушунча ва терминни ўзининг бошқа ишларида ҳам изчил қўллайди.<sup>33</sup>

<sup>31</sup>Курбонов А. Азэрбайжан ономастикаси. Баку. 1986.-С. 20-б.

<sup>32</sup> Шу китоб. 20 б.

<sup>33</sup>Шу китоб. 3-15 б.

А.Курбонов ономастик бирикмалар деб номларнинг йирик гурухлари кўринишларини олади: антропонимлар, топонимлар. Шуни қайд этиш лозимки, номларнинг ушбу гурухлари, ўз навбатида, яна баъзи майдароқ гурухларга бўлиниши мумкин. Чунончи, антропонимлар деб юритилаётган бирлик асоси исмлар, фамилиялар, ота исмлари, лақаблар, тахаллуслар каби майда бирикмалардан ташкил топгандир.

Демак, ономастик воҳидлар тушунчаси унинг ҳажми яна баъзи аниқлекларни талаб қилади. Шунга қарамасдан, номшунослик соҳасига ономастик бирикмалар тушунчасининг киритилиши улкан муваффақият деб баҳоланиши керак.

Хуллас, ономастик материални ономастик бирикмалар нуқтаи назаридан ҳам тасниф қилиш мумкин. Бундан, аввало, йирик лугавий бирликлар (топонимлар, антропонимлар, этнонимлар) гурухи ажратилади, кейинчалик эса улар таркибидаги нисбатан майда ономастик бирикмалар гурухи белгиланади.

Чунончи, топонимик бирикмалар доирасида топонимлар, гидронимлар, оронимлар, ойконимлар, этноийконимлар, антропоийконимлар, фитоийконимлар, агронимлар сингари бирликлар аниқланиши мумкин.

Атоқли отларни ономастик бирликлар нуқтаи назаридан таснифлаш юқорида қайд қилинган таснифларнинг биринчисига, яъни ном қандай объектни англатиб келишига кўра таснифлашга тўғри келади.

“Алпомиш” эпосининг ономастикаси материаллари қуйида мана шу усулда тасниф қилинади.

Достон ономастикасининг ном англатган объектга кўра таснифи:

“Алпомиш” достони ономастикаси юзасидан тўпланган ономастик материални ном англатган объектга кўра тасниф қилиш, унинг лугавий таркиби ва ҳажмини аниқлашга ёрдам беради. Достонда Чин-Мочиндан тортиб Макка-Муаззамгача, Маккадан Машриққача ва яна Бойсун, Тошкент, Кўқон, Шаҳрисабз, Самарқанд каби топонимлар тилга олинади. Асарда учрайдиган номлар улар ифодалайдиган объект ва субъектлар ҳам хилма-ҳил. Бундай кенг худудга мансуб бўлган номларнинг учраши бир томондан табиий сабаблар билан боғлиқ бўлса, субъектив сабаби эпос яратган халқнинг рухияти, ниҳоят, кенглигидан дарак беради. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда достонда учрайдиган атоқли отларни улар ифодалаган объект ва субъектларнинг характеристига кўра қуйидагича тасниф қилиш мумкин.

## **II. I. АНТРОПОНИМЛАР**

Достонда (Тўра Мирзаев таҳрири остидаги тўлиқ нашрида) 149 та атоқли от бўлиб, шундан 38 таси шахслар, яъни киши исмлариидир. Мазкур антропонимлар бир вақтда ва бу ҳудудда яшаган ҳамда турли даврларда, турли ҳудудда яшайдийган кишиларнинг атоқли оти бўлиб, улар, энг аввало, ички ва ташки хусусияти билан бир-биридан фарқланади. Масалан, Алпомиш, Қалдирғоч, Барчин, Бойсари бир вақтда, бир ҳудудда яшаган шахс номлари; Товкаойим ва Қалдирғочойим ёхуд Бойбўри ва Қоражон ва Кўкаман, Кўкалдош, Ойқашқалар бир вақтда, аммо айри ҳудудларда Добонбий, Бойбўри, Ёдгорлар бир ҳудудда аммо турли даврларда яшаган шахслар оти, достонда учрайдиган Рустами Достон, Хўжа Ҳофиз Шерози, Сўфи Оллоёр, ҳазрат Али, Искандар, Фозил шоир Йўлдош ўғли каби шахслар турли даврларда, турли ҳудудларда яшаган. Достоннинг тўлиқ нашрида учровчи кўпгина номлар фикримизча баҳшилар томонидан киритилган: Сўфи Оллоёр, Фозил Шоир...

Достон ономастикаси таркибидаги шахс номларини, аввали, икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1) ҳаётда реал яшаган тарихий шахслар номи: Искандар Зулқарнайн, Сўфи Оллоёр, Аюб, Шоҳимардон пир, Расули Худо, Иброҳим, Исмоил, ҳазрати Миркулол, ҳазрати Довуд;

2) ҳаётда мавжуд бўлган афсонавий номлар: Лайли-Мажнун, Юсуф, Рустами Достон ва бошқалар. Бу афсонавий номлар, бир томондан, диний, илоҳийлаштирилган номлар бўлса, иккинчи томондан, илоҳийлаштирилмасдан, ҳалқ томонидан тўқилган образлар номи дейиш мумкин. Юқорида гилардан келиб чиқиб достонда ишлатилган антропонимик номларни тарихийлиги, ҳаётилиги (реаллиги), тўқималиги ва афсонавийлиги нуқтаи назардан уч асосий гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: I. Исмлар; II. Тахаллуслар; III. Лақаблар.

### **II.I.1. ИСМЛАР**

Ислар ўз характеристига кўра қўйидаги уч гуруҳга ажратилади:

1. Тарихий шахслар номи.
2. Афсонавий номлар.
3. Тўқима номлар.

## II.I.2. ТАРИХИЙ ШАХСЛАР НОМИ

Булар достон яратилгунча ва достон яратилгач (бахшилар томонидан қүшилган) ҳаётда яшаган конкрет шахслардир. Асарда тарихий шахслар номини маълум бир мақсад асосида, эпосда учрайдиган ҳаётда яшаган конкрет шахс, номинг тарихийлик нуқтаси назаридан: а) достоннинг яратилиши, б) достоннинг ижроси билан боғлиқ номлар, яъни достон яратилгунча яшаб ўтган тарихий шахслар номи ва достон яратилгандан сўнг яшаб ўтган, бахшилар томонидан киритилган тарихий кишиларнинг номлари сингари турларга ҳам ажратиш мумкин. Достонда қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини очиб бериш мақсадида ҳам тарихий антропонимларга мурожаат қилинган:

Жону дилман қилди Худога хизмат,  
Садағанг бўлайин, Расул Мухаммад,  
Ҳазрати Нўғай, эр Бахшойиш, ё мадад,  
Мазгилинг Фазира Шайхи Худойдод,  
Мерғанларнинг пири Жамшиду Аҳмад,  
Раҳм айлаб, ёр бўлинг ночор қуллара,  
Умматим денг, ё Мухаммад Мустафо,  
Бировларнинг пири даргоҳ басафо,  
Садағанг бўлайин, канизи даргоҳ  
Мазгилинг Машҳадда, имоми Ризо.  
Парпи ота мададкор, бир ҳиммат гузар?  
Бунда мадад берса Новқа, Боғмозор.  
Оқтош тирғишилдир, бири Ермозор,  
Ҳазрати Миркулол, биридир Кўчқор  
Авлиё, анбиё бўлинг мададкор.

Ушбу мисраларда Ҳакимбек қалмоқ музофотида зинданда ётган вақтида Бойчибор ёрдамга келгани ва у отининг келганини қўриб азизларни шафе келтириб, пайғамбар, авлиё, анбиёларга илтижо қилгани ифодаланган, шу тариқа мазкур антропонимлар қаҳрамон тилидан зикр этилган. Етти йил зинданда ётган Алпомиш отини қўриб, яна тарихий шахсларга, пайғамбарларга шукронга келтиради:

Қодир обло, ўзингдадир ихтиёр,  
Шоҳизинда, эр До ниёр пайғамбар,  
Хўжай Зумрати, Хўжай Аҳрор,  
Бобо якка пирсиз, эр Хўжамозор,

Манчил билан Хўжа Исҳоқ, бўлинг ёр.  
Қадамжойинг дейди Шаҳрисабз шаҳар,  
Садағанг бўлайин, ҳазрати Лангар.  
Хўжа Аҳмад, Башир, Хўжайи Чорчинор,  
Комил пирлар, бўлинг энди мададкор,  
Бир назар айласа азиз чилтонлар.  
Бу сўзди айтиб Ҳаким ўғлон туради,  
Бунинг йиғлагани қабул бўлади.  
Жами азизларнинг руҳи келади  
Чилтон келиб кўп тарбият қиласди.

Зинданда ётган Алпомиш чилтонларга, азиз авлиёларга му-  
рожаат қиласди ва уларнинг дуолари, кўмаклари билан зиндан-  
дан чиқади. Чилтонларнинг илму кароматлари билан озодликка  
чиқиб олгач, қалмоқларнинг устига бостириб бора бошлади.  
Шунда хам пирларини ёдга олиб улардан кўмак сўрайди:

Икки дунёда раҳбарим,  
Марди майдоним, ё Али.  
Изларим сиздан шафоат,  
Чобук суварим, ё Али.

Худди шу каби антропонимлар Бобохон тоғида алп акалари  
томонидан боғлаб, ночор аҳволда ташлаб кетилган Қоражон-  
нинг нутқида ҳам кузатилади. “Бобохон тоғида ёлғиз қолиб,  
Бойчибор билан Қоражон иккови бойловли ётиб, авлиёларни  
шафе келтириб, бу сўзни айтиб ётириб:

Барчанинг отаси ҳазрати Одам,  
Пайғамбарлик бўлди унга мусаллам,  
Иброҳим, И smoил, Макка Муаззам,  
Муҳаммадга уммат, ҳаққа мусаллам.  
Аввалам яратдинг сен Одам сафи,  
Андин пайдо бўлди сонсиз юз вале,  
Шайх Аҳмад, Зинда пир, имоми Шафи,  
Обло, сендан бошқа йўқдир мураббий.  
Садқанг бўлай эр — Сулаймон пойи ток,  
Зиёрат айлади насиб қилган халқ.  
Каримсан, Самадсан, расулинг барҳақ,  
Раҳм айлаб ёр бўлинг ночор қулларга.

Қоражон ўз илтижосида азиз авлиёлар, машҳур инсонлар-  
нинг номларини кўплаб келтиради. У тоғда боғловли қолган  
чоғда сифиниб тилга олган 28 азиз инсонларнинг номлари:  
ҳазрати Одам, Иброҳим, И smoил, Имоми Аъзам, Муҳаммад,

Шайх Аҳмад, Зинда пир, Имоми Шафи, Сулаймон, бобо Занги, Сайд Вакқос, ғавс билан фиёс, Хидири Илёс, хўжа Ҳофиз Шерози, ҳазрати Али, ҳазрати Нур, ҳазрати Аюб, ғавсул Аъзам, Қобил, Акбар, Шоҳизинда, Эрдониёр пайғамбар, Ҳўжай Аҳрор, Эрхўжа Мозор, Ражабхўжа пир (135-136 б.) каби кўплаб номлар учрайди. Бу номлар ўзбек халқи ҳаётидаги тарихий шахслар бўлиб, ўзбек тарихий ономастикаси учун бой материал беради. Бу материаллар асосида эпос яратилган даврда (таксминан X асрда) кишиларни номлашни кузатиш ҳам мумкин.

### **II.I.3. АФСОНАВИЙ НОМЛАР**

“Алпомиш” достони ономастикасида афсонавий номлар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Достонни ўрганиш орқали ўша даврда кенг тарқалган афсонавий номлардан ҳам хабардор бўлишимиз мумкин. Афсонавий номлар фантастик сюжетларни баён қилиш, баъзи диний воқеаларни ёритишда кўл келган. Бу номлар кам бўлса-да, тилга олинган. Чунончи, Рустами Достон (70-6.), Юсуф (“Кутулмадим Юсуф киби зиндандан” - 271 б.), Хизир (Хидир 186-б.), Ҳазрати Жолтонг (ўгрининг пири, 301-б.), Жамшид (афсонавий подшоҳ) ва бошқалар.

Юқорида келтирилган афсонавий номларни-бир қаторга кўйиб бўлмайди. Уларнинг айримлари кундалик ҳаётда инсонлар билан бирга яшовчи субъектлар сингари талқин қилинса (Юсуф, Рустам, Жамшид), баъзилари одамлар ҳаётидан узок турувчи бошқа хил диний номлар сифатида талқин қилинади ва изоҳланади (Хизир, Хидир, Жолтонг).

### **II.I.4. ТЎҚИМА НОМЛАР**

“Алпомиш” ўзбек халқ эпосида учрайдиган антропонимларнинг катта гурухини адабий асарнинг бадиий образлари номи ташкил қиласди. Бу антропонимлар халқнинг руҳий оламида ижод қилинган атоқли отлардир. Достонда бундай номлардан кенг фойдаланилган.

Ҳар бир шоир, ёзувчи ўзининг бўлажак асарига киши исмларини танлар экан, бир қатор омилларга эътибор қиласди. Булар воқеа-ходисаларнинг содир бўлиши, ўрнига қараб исмларни танлаш<sup>34</sup> номларни исмларнинг ички мазмунига ва маъносига қараб танлаш, номларнинг жарангдорлиги ва халқ

<sup>34</sup> Бестужев-Лада И.В. Исторические тенденции развития антропонимов. Личные имена в прошлом, настоящем, будущем. -М. 1970. С-32.

орасида мавжуд бўлган урф-одатларига ёки халқ оғзаки ижоди ва афсоналарнинг мослигига кўра танлаш ва, ниҳоят, мавжуд анъаналар асосида персонажлар номини танлашдир. Достонда воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлиш ўрнига кўра ҳам ном танланганлигини кузатамиз. Масалан, Алпомишнинг бобсининг исми Добонбий бўлганини асарнинг биринчи саҳифасидаёқ билиб оламиз: “Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруф Кўнгирот элида Добонбий деган ўтди”<sup>35</sup>. Асар қаҳрамонларининг Бойсун тоғи ён бағирларида туғилиб вояга етганлиги, воқеалар ривожи ҳам асосан шу тоғ билан боғлиқлиги шу билан бирга Олатов тоғи, Шакаман тоғи, Асқар тоғи, Бобохон тоғи, Қотоғон тоғи, Зил тоғи сингари тоғлар мавжудлигини ҳисобга олиб, Добонбий исми воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлиш ўрнига кўра (довон) танланган деган хуносага келиш мумкин. Ўша жой ва халқ номига мос атоқли отлардан фойдаланишга ҳаракат қилинган. Бойсунда (Туркистонда) бўлаётган воқеаларни тасвирлаш учун Добонбий, Бойбўри, Бойсари, Алпомиш, Алпол, Барчин, Қалдирғоч, Бектемир, Суқсурой, Қултой каби ўзбекча<sup>36</sup>, қалмоқ юртида бўлган воқеаларга эса ғайрича, ҳатто подшосига ўша миллатга нисбат берилиб Қалмоқшоҳ антропоними танланган. Асарда учрайдиган бадиий тўқималарнинг бир қисмини исмнинг ички мазмунидан келиб чиқиб танланганлари ташкил қиласди. Ижобий образларга ном танланганда номнинг халқа ёқимли, жозибадорлиги, жарангдорлиги ҳисобга олинган. Шу сабабли баъзи образларнинг исмлари одамларга яқин турувчи отлардир: Барчин(ўзб-48 б.)-шойи мато, ипак мато парчин ёки барчин - барчин - гўзал, зебо қиз; Ҳаким (Оллоҳ исмлари. Э.А.Б.- 9 б.) хикмат соҳиби. Дақиқ ва нозик исмларни билувчи; Қалдирғочойим (ўзб. 538-б) қошлари қалдирғоч қанотидек ингичка, нозик қиз, олий наслаб авлодга мансуб қиз; Суқсурой (Э.А.Б 402-б.) сухсур — гўзаллик ва соғломлик рамзи ҳисобланади. “Суқсур” + “ой” - сухсурдек гўзал ва ойдек сулув қиз; Ёдгор(Э.А.Б- 124-б.) туғилгандан кейин ота (ёки она)си вафот этган, улардан эсдалиқ, ёдгор бўлиб қолган бола; Бектемир (Э.А.Б. 55-б.) темирдек мустаҳкам, маҳкам бек.

Асар тугунига сабаб бўлган ва асарнинг бошида турувчи опа-укаларнинг номлари ҳам исмнинг ички мазмунидан,

<sup>35</sup> Алпомиш. .-Т.:Фан 1999. 12-бет.

<sup>36</sup> Бегматов Э.Ўзбек исмлари. Т.:2000.583 б

халқнинг урф-одатларидан келиб чиқиб шаклланган деб тахмин қилиш мумкин: Бойбўри, бой давлатли, бадавлат, ҳукмрон, ҳоким; Бўри- қадимий одатга кўра “соғ бўлсин”, “маҳкам бўлсин”, - деб бўрининг жағидан ўтказиб олинган бола ёки тиши билан туғилган бола! Бўри қадимда ўзбекларнинг тотеми бўлиб, улуғ, буюк, муқаддас, кудратли маънолари бор. Бойсари- “Бой” + “сари”- сариқ рангли бола, сариқ сочли ёки таниқли, машхур, оқсуяклар, аслзодалар авлодига мансуб; “Бой”+“сар” бойдавлатли, сар- бош (форсча); яъни бойларнинг боши, бошлиғи; Бой+сари (феъл)- бойлик сари (томон), бой-бадавлат бўлсин деган мақсадда. Бой-асли бадавлатлар оиласига, авлодига мансублик; бой-бадавлат жаноб. Исм таркибида болага тўқлик, фаровонлик тилаш маъноларида келади. Баъзан фарзандимиз кўпайсин, серфарзанд бўлсин деган маънода ҳам келади. Яна бир изоҳ: уларнинг яшаш жойига (Бойсун) ҳам нисбат берилган бўлиши мумкин.

Асарда кўлланилган юқоридаги кўринишли антропонимлар ўша давр кишиларининг урф-одатлари, исм бериш анъаналари, дунё-қарашларидан хабар берувчи қимматли лисоний материалdir.

### **II.1.5.ТАХАЛЛУСЛАР**

Эпосда шахсни аташнинг бир қатор усууларини кузатамиз, улардан баъзилари тахаллуслар ва лақаблардир. Тарихий шахсларнинг икки хил аталганини кўрамиз.

Булардан бири, унинг ота-онаси томонидан кўйилган исми, иккинчиси эса, ўзларига танлаган тахаллусларидир. Тахаллусни танлашда ҳар бир шахснинг орзу-истаклари, касб-ҳунари, лавозими, қайси юрга мансуб эканлиги ва бошқа омиллар муҳим роль ўйнайди. Аксарият ҳолда тахаллусни шахснинг ўзи танлаган. Баъзан эса бошқаларнинг фикри остида ҳам тахаллуслар олинган. Тахаллусларни улар ифодалаган мазмунга кўра қатор гурухларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Эгаси яшаб, ижод этган жойларга нисбатан танланган тахаллуслар.

Бундай тахаллуслар шоирлар, олимлар, мутасаввифларнинг қайси юрга мансуб эканлигини кўрсатади. Масалан: Ҳўжа Ҳофиз Шерозий (ф.т)-шерозлик Шероз(Эрондаги шаҳар), яшаб ижод этган жойига нисбат берилаяпти.

Зинда пир, Шоҳизинда...

Шахсни аташнинг асосий қадимда тарқалган усууларидан

бири кишининг қайси юртга мансублигига ишора қилувчи тахаллуслар ҳисобланади. Бу тахаллусларни ҳётнинг ўзи келтириб чиқарган, чунки ўша даврда кишилари фақат исми билан аталган ва шу сабабли улар ўзларини бошқа шундай исмли кишилардан ажратиб кўрсатишга мажбур бўлган. Бу, бир томондан, тахаллус эгасини бошқалардан ажратиб кўрсатса, иккинчи томондан, қайси юртга мансублигини кўрсатиб туради.

## II.1.6. ЛАҚАБЛАР

Кишини икки хил аташнинг яна бир шакли одамларга бошқалар томонидан бериладиган лақаблардир. Лақаблар ҳам тахаллуслар каби кишини иккинчи бир исм билан атайди. Уларнинг ўзаро яқинлиги ва фарқ қилувчи томонлари ҳам бор. Фарқли томонлари тубандагича: тахаллуслар асосан кишининг ўзи томонидан танланса, лақаблар бошқалар томонидан кўйилади. Тахаллусларда ҳар бир шахснинг орзу-истаклари, касби, қайси юртга мансублиги ифодаланса, лақабларда ҳар бир шахснинг иш фаолияти, камчилиги, жисмидаги баъзи бир белгилари ифодаланади. Лақаб кўйиш йўллари ҳар хил: у инсоннинг турли -туман хусусиятларига қараб кўйилади. Шунга кўра лақаблар кишиларнинг қайси уруғ ёки қабилага мансуб эканлигини, улардаги жисмоний камчиликларини, характер, касбни, миллатини, шу қишлоқда биринчи бўлиб қилган иши ва шу каби яхши-ёмон хислатлари, белги-хусусиятларни кўрсатади. Лақаблар ҳам ўз навбатида маъноларига кўра бир қатор турларга бўлинади:

1. Лақаб эгасининг қайси юртга мансуб эканлигини билдиради. Қалмоқшоҳ - қалмоқ юртининг шоҳи.

2. Лақаб олган киши иккинчи бир тарихий шахсга ўхшатилади, қиёсланади: Қайснинг лақаби Мажнун (жуунун), Ҳакимбекни эса Алпомиш (Алп эмиш) деб атایмиз.

Бобо Қамбар (али) жиловдор- Бу ном Халифа Алига содик қулнинг исми бўлган. У озод қилингач, Қамбарали Алига содик киши деб юритилган. Зухро-нур, ёрқин. Зухро Муҳаммад аллайҳи вассалламнинг қизи Фотиманинг сифати (лақаби) бўлган.

3. Лақаблар кишиларнинг касбига нисбатан ҳам берилган: Қўса Синчи (A.167-бет), Миркулол- “амир” сўзининг қисқарган шакли. Маъноси: раис, бошлиқ, “Мир” сўзи халифа Алининг авлодларидан бўлган саркардаларнинг фахрий унвони бўлган Сўфи Оллоёр-номозга чорловчи; художўй, тақводор..

4. Бевосита Оллоҳнинг номи билан боғлиқ бўлган унинг ер юзидағи элчилари, дўстлари Аллоҳнинг сумбатига мушарраф бўлган деб тасаввур қилувчи кишилар: Расулуллоҳ Мухаммад пайғамбарнинг лақаби (Аллоҳнинг элчиси деган маънони англатади), Башир-хушхабар келтирувчи. Мухаммад (с.а.в.)нинг сифатларидан бири.

Шери Яздан (ф.т) Яздан-Оллоҳ, тангри.

5. Лақабларнинг баъзиларида кишиларнинг касб ва меҳнати, диний мансабига ишора қилинади, баъзиларида эса ташки кўринишига ишора қиласди.

Шоҳимардон-мардлар, жасурлар шоҳи, сардори. Бу ном халифа Алининг сифати бўлиб, у жасурлиги учун шундай номланган.

Кўса Синчи, Қайқубод кал, Жиловдор (Култойнинг ўғли), Култой (эрка қул), Ойқашқа полвон, Яртибой оқсоқол, Анқа полвон (Анқа- анқо коф тоғида яшайди деб ҳисобланувчи афсонавий күш номи. Нодир, ноёб, топилмас, ўша қадрли полвон.

Баъзи киши номларининг бирдан ортиқ номланишлари ҳам бўлган. Хусусан, Мухаммад пайғамбарнинг Мустафо ва Расулуллоҳ нисбасидан ташқари, Аҳмад (ҳамд айтuvчи), Аҳмади (Мухаммаднинг қисқартирилган шакли), Мурсал, Расули Худо (Худонинг элчиси), Ал-Мохий (куфурни маҳв қилувчи), хошир (қиёматда биринчи оёққа турувчи), Башир (хушхабар келтирувчи), Оқиб (охирги) сингари кўплаб нисбалари бўлган.

### II.1.7. ТОПОНИМЛАР

“Алпомиш” достонида ўрин-жой номлари ҳам салмоқли ўрин эгаллади. Асардаги воқеалар ривожининг ишонарли ҳаётий чиқиши учун тасвирланаётган ҳудудга оид ўрин-жой номлари аниқ чизилган. Эпосда учрайдиган жой номларининг энг аввали ҳаётийлиги, ёки афсонавий, тўқималиги нуқтаи назардан куйидагича тасниф қилиш мумкин.

1. Тарихан ҳаётда ростдан мавжуд бўлган жойларни ифода қилувчи топонимлар. Бу номлар манбада анчагина учрайди. Чунки, ҳар бир шоир хоҳ бадиий асар бўлсин, хоҳ илмий асар, албаттa воқеа-ходисаларнинг содир бўлиш ўрнини баён қилиши зарур. Шу сабабли ҳам “Алпомиш” достони тили лексикасининг бирини топонимлар ташкил қиласди.

Аму (83-6), Ойкўл /Ойнали кўли, Ойна кўл/( 150-6), Арпали кўли (132-6), Кўкқамиш кўли (70-6), Бобир кўли (270-6), Олатоғ (269-6), Асқар тоғ (70-6), Шакаман тоғи (173-6), Зил

тоги (182-6), Боботоғ (166-6), Қоғотон тоги, Қоғотон ғори (109-6), Тойчихон мамлакати, Тойчихон вилояти, Чилбир чўл (84-6), Туркистон (84-6), Шаҳристон (321-6), Чорси, Регистон (328-6), Астрахон (344-6), Чин-Мочин (335-6), Газира (321-6), Тошкент (186-6), Макка Муazzам (185-6), Шоҳимардон (68-6), Самарқанд (101-6), Мадина Машриқ (146-6), Бойсун (69-6).

Бу топонимик номлар достонда зикр этилиши баробарида қадимги номлар сифатида бугунги кишиларга бой тарихий маълумот беради.

2. Афсонавий тўқима номлар. Бу номлар ҳам кам бўлсада достонда учрайди. Улар баъзи афсонавий, диний воқеаларни баён қилишда ишлатилган. Афсонавий номлар ҳам моддий олам билан боғлиқ равишда ва моддий оламдан ташқаридаги номлар сифатида мавжуд деб қаралувчи атамаларни ўз ичига олади. Жаннат, дўзах, маҳшар номлари фоний оламдан ташқаридаги деб қаралади.

Тўпланган материаллар асосида, бу атамаларнинг ҳажми жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилишини кузатамиз. Жой номлари турли хил обьектларни ифодалайди. Шу нуқтаи на зардан топонимларни улар ифодалаган обьектларнинг характеристига кўра қўйидагича таснифлаш мумкин.

1. Мамалакатлар номи. „Алпомиш“ эпосида учрайдиган мамлакат ва давлатлар номи қўйидагича: Туркистон, Кашал, Чин-Мочин, Машриқ.

2. Вилоят номи. Тошканд, Самарқанд, Қаштархон, Тойчи вилояти (баъзи ўринларда Тойчи вилояти Тойчихон мамлакати деб ҳам аталган).

3. Шаҳар ва бошқа аҳоли яшаш пунктлар номи: Макка, Мадина, Чорси, Регистон, Газира; Шаҳрисабз, Қўқон, Тўқайистон, Чилбир чўли, Янгибозор.

Булар орасида аҳоли пунктларига нисбатан микротопонимик вазифани бажарувчи равза атамаси бор. Равза терминининг бир неча маъноси бор бўлиб, достонда Шоҳимардон пир равзаси қабристон, мурдан Шоҳимардон пирнинг равзаси уч кунлик йўл келар экан, ҳар ким бориб тунар экан: давлат талаб давлат тилар экан, фарзанд талаб фарзанд тилар экан, кирқ кун тунаган киши муродига етар экан”.

Достонда учрайдиган топонимик жой номлари англатган обьектнинг хусусиятига кўра хилма-хилдир. Ўрганилаётган топонимлар ўз моҳиятига кўра макро ва микротопонимия сис

<sup>7</sup> Алпомиш. -Т.:Фан 1999. 67-бет.

темаси бўлганлиги туфайли бундай турли-туманлик янада яққолроқ намоён бўлади. Шу сабабли тўпланган материални ном қандай обьектнинг атамаси эканлигига кўра тасниф этиб ўрганиш маълум қимматга эга. Достонда яна шундай микротопонимлар мавжуд: Муродтепа, Янгибозор, Товкаойим қўрғони, Алломиш зиндони.

4. Тоғларнинг номлари (оронимлар). Достонда учрайдиган тоғ номлари қуйидагилар: Асқар тоғ (70-6), Бобохон тоғи, Зил тоғи, Қофотон тоғи, Олатоғ, Шакаман тоғи. Асарда учрайдиган тоғлар улар ифодалаган обьектнинг ҳаётда мавжудлигига қараб Зил (қизил) тоғ, Боботоғ, Олатоғ, Асқар тоғ, Қофотон тоғ сингари ва ҳаётда мавжуд бўлмаган тоғ Шакаман деб тахмин қилиш мумкин. Булардан ташқари, Кашал гори ва тўқсон дарали Қофотон гори мавжудлигини кузатиш мумкин.

Асар воқеалари Бойсун тоғлари атрофида юз беради. Бойсун-Сурхон воҳасининг Термиз, Шеробод, Денов ва Жарқўрғон каби энг қадимги, жуда қадим-қадимга бориб тақаладиган кўхна тарихга эга гўшаларидандир. Қадимшунос олимлар Э.Ритвеладзе, Б.Турғуновларнинг илмий хulosаларига асосан "...Бойсунтов, Кўҳитанг тоғлари этакларида жойлашган қадимги Парайтакан вилояти босқинчи жаҳонгир Искандар Макдуний Ранха (Амударё, юононлар Окс деб атаганлар) соҳиyllарига илк бор қадам қўйганда барқ урган зироатларни кўриб, кўзи қамашган...".

Таникли олим Тўра Нафасов талқинича, "Бойсун-улуғ тоғ" демақдир. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Тоҳир Усмон Тўра Нафасовнинг ушбу фикрига тамоман қарши бориб (зотан, Ўрта Осиёда улуғ ва кўхна тоғлар оз эмас) Бойсун ўз номи билан "бой тоғ"дэя эътироф этади ва Бойсунтоғни қуйидагича талқин қиласди: аввало, ҳар бир конкрет жой (худуд) номининг келиб чиқиши, унинг мазмуни чуқур таҳлил қилиниб, моҳиятига дикқат қилинса, кўпинча ўша жойнинг табиий хусусиятлари билан бевосита боғлиқ эканига дуч келамиз. Чунончи, Россиянинг Саратов шаҳрида эрталаб тонг отиши билан кўёшнинг илк заррин нурлари унга қарама-қарши турган муаззам тоғни чулғаб олиб, бамисоли сариқ олтин тусига киритади. Шу боис, ўша худудда яшовчи халқ қадимдан уни Сари-тov, Саратов деб номлаган.

Ёки Қашқадарёning тоғли Китоб шаҳри икки кичик дарёning тулашиш елкасида жойлашганидан Кифти-об,

Кифти+об-Китоб ёхуд Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманига қарашли сари-об (сув боши)-Сайроб қишлоғининг номи ҳам шундан келиб чиқкан.

Худди шунингдек, Бой-сен, бай-сен (сифат ва иккинчи шахс бирлиқдаги олмош сўз туркумларига мансуб сўзларнинг қўшилувидан)-Бойсин атамаси, яъни “у” унлиси талаффузда қисқа “и” унлисига айланиб, ҳудуд номи ҳосил бўлган ва “сен бой”, “бой ўлка” маъносини англатади.<sup>2</sup> “Бойсун”нинг маъноси “чиройли төғ” демакдир. “Бой”-бой, бадавлат, кўркам, “Шун”-ўтири сўзларидан олинган бўлиб, муқим, доимий төғ ёки “син”-арабча “төғ”, “син”-хитойча “төғ” бой төғ деб изоҳлаш мумкин деган тахминларимиз ҳам бор.

## II.II.I. ГИДРОНИМЛАР

Достонда учрайдиган гидронимлар достон топонимиясининг салмоқли қисмини ташкил этади. Бу атамалар бевосита сув ва сув обьектлари билан боғлиқ. Бундай гидронимларни қуидаги гурухларга бўлиш мумкин;

А) дарё номлари.

Б) кўл номлари.

“Ёз бўлса яйлови Аму ёқаси” Бунда Аму атамаси орқали Амударё назарда тутилмоқда. Асарда учраши мумкин бўлган кўл номлари қуидагилардир: Бобир кўли, Кўкқамиш кўли, Арпали кўли, Аччиқ кўл, Ойна кўли (Ойкўл). Гидронимлар турлича маъноларни ифодалаб беради. Баъзи гидронимларнинг этиологияси (келиб чиқиши) ҳаммага тушунарли бўлиб, ортиқча изоҳни талаб қилмайди. Масалан: Аччиқ кўл гидроними атамаси сувнинг маза-таъмига нисбатан ном олган. Ва бу атама тарихан реал бўлган, ҳозирги кунгача ҳам сақланиб келаётган сув номи ҳисобланади. Кўкқамиш кўли ва Арпали кўли ҳам худди шундай. Кўк+қамиш: кўл атрофларида қамиш ўсан, қамишлар ҳамиша кўм-кўк тусда бўлган. Ёки Арпали кўлини олайлик: маҳаллий аҳоли зироатчилик билан шуғулланниб, кўпроқ арпа эккан деб тахмин қиласиз. Бобокалонларимиз қадим-қадим замонларданоқ зироатчилик билан шуғулланган. Жаҳонгир Искандар Макдуний Ранха (Амударё ёки Аракс, греклар Окс деб атаган) соҳилларида барқ урган зироатларни кўриб қўзи қамашганлиги бежиз бўлмаган, албатта.

Гидронимлар таҳлилида уларнинг қандай сўзлар асосида яратилганлигини аниқлаш ва номлаш қоидаларини белгилаш

муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, гидроним номлангунча ҳар хил омиллар сабаб бўлади. Булардан айримлари қуидагилардир:

1. Киши исмлари асосида вужудга келган гидронимлар. Бундай гидронимлар ариқ, канал, кудукни қазишда бош-қош бўлган, унга раҳбарлик қилган шахсларнинг номлари билан аталади. Аниқроғи ушбу кўринишдаги атамалар ҳам сув объектларининг маълум шахсга мансублигини ифода қиласи: Хусусан, достондаги Бобир қўли ҳам Бобир исмли шахсга нисбат бериб айтилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

2. Ўсимлик номлари билан юритилувчи гидронимлар. Бу хил гидронимлар обьектдаги ўсимлик дунёсининг характерли томонларини ўзида акс эттиради. Кўкқамиш қўли, Арпали қўли.

Достонда бир неча бор тақрор тилга олинган яна бир кўл-Ойнали қўли ёхуд Ойна кўлдир. Унинг этиологияси ҳам ўз номидан англашилиб туради. Бундан минг йиллар аввал, ҳали атроф-муҳитнинг экологик ҳолати у қадар бузилмаган, ўз табиий ҳолати сакланган бир даврда ўзининг гўзал тоғ манзаралари, дара ва жилғаларидан шарқираб оқсан оромбахш сувлари, дарёлари, салобат билан қад кўтарган виқорли тоғлари хушбўй арчазор ўрмонлари, ҳар хил ёввойи ҳайвонлари, шифобахш ўсимликлари билан инсон зотининг тириклиқ, ҳаёт кечириши учун бетакрор имкониятларига бой бўлган ўлка тоғли юрт-Бойсуннинг мусаффо сувларидан бири бўлган, у кўлнинг шаффоф суви күёшнинг заррин нурлари остида ойнадай ярақлади. Ёки Бойсунтоғ кўлининг суви шунчалик зилол тиниқки, унга қараган киши худдӣ ойнага бўқандек ўз аксини кўради.

Шу сабабдан ҳам ушбу сув ҳавзаси Ойна кўл номини олган дея асослаймиз. Булар ҳам ўз навбатида тарихан реал бўлган ва мавжуд бўлмаган гидронимларга бўлиб ўрганилади.

### III. ЭТНОНИМЛАР

“Алпомиш” тилида этонимлар ҳам анчагина бўлиб, улар достон яратилган даврда маълум бўлган турли-туман халқлар, миллат ва уруғлар номларини ўзида мужассамлаштиради. Этонимлар ўз моҳиятига кўра турдош отга яқин туради. Лекин тилшунослиқда, этонимларни атоқли отлар билан бир қаторда ономастика соҳасида ўрганиш кенг тарқалган. Шунга қарамасдан этонимларнинг атоқли ёки турдош от эканлигини аниқлаш изчил ҳал этилган эмас. Баъзи тилшунослар этонимларга

тариҳан шаклланган ва маълум этник характеристикасига эга бўлиш билан бирга бошқа этник гурухлари ажralиб турадиган одамлар гурухини қўшади. Айрим тилшунослар эса кишиларнинг ҳар қандай уюшмасини (сиёсий касб, тураржойга боғлик бўлган) туркистонликлар, тошкентликлар сингари сўзларни ҳам этномимга қўшишни таклиф қилади.

Илмий анъанага кўра этномимларга одамларнинг алоҳида гурухини ифодаловчи ҳалқ, уруғ, элат, миллат номлари кири-тилади. Достонда учрайдиган этномимларни ҳам шу асосда ўрганиб, энг аввало, икки гурухга ажратиш мумкин:

- а) ҳалқ номлари: ўзбек (ўзбак), қалмоқ, қозоқ, хитойчалар.
- б) уруғ ва элат номлари: қўнғирот эли, кашал эли, Бойсун-Қўнғирот элати.

Асарда қўнғирот уругининг ҳам икки тармоғини учратиш мумкин: "Бектемир тортувли қўнғиротнинг беги эди, Алпомиш қонжиғали қўнғиротнинг беги эди" Асарда ўзбек ва қалмоқ этномимлари энг фаол қўлланувчи этномимлардан бўлиб, улар эпосда кўп қўлланилганлигини кузатамиз. Бу терминлар ҳатто эвфема сифатида ҳам ишлатилган. Чунончи, қалмоқлар Алпомишни ўзбак, Барчинни ўзбакнинг қизи, Бойсарини ўзбак, унинг билан бирга кўчиб келганларни ўзбаклар деб атаган.

Этномимларнинг қўлланишидаги ҳарактерли хусусиятларидан муҳими унинг ономастиканинг бошқа соҳалари антропонимика ва топонимика қаттиқ боғланишидир. Этномимларнинг юзага келишида баъзи уруғ ва қабила бошлиқларининг номи билан аташ ҳоллари учраб туради. Бундай ҳолда (антропэтномимларнинг) этник ном билан конкрет шахс атамаси бир бўлиб қолади. Бироқ бу сўзлар этномимик хусусиятини йўқотмайди. Чунки ўша сўз семантик жиҳатдан айрим этник хусусиятларни ўзида мужассамлаштирувчи этник ном сифатида тушунилади: ўзбек, қирғиз, қалмоқ...

Асарда учрайдиган этномимлар тадқиқотчига тарихий ва этнографик жиҳатдан қимматли материал беради. Ана шундай сўзлардан бири ўзбек этномимиdir. Асарда миллат ва ҳалқ маъноларида келган "ўзбек" сўзи ўзбек ҳалқи ва унинг тарихи ҳақида янги маълумот беради.

Баъзи тадқиқотчilar академик В.Б.Радлов, профессор А.Ю.Якубовский, Е.Д.Поливанов сингари бир қатор олимлар ўзбек сўзининг келиб чиқшини Шайбонийхоннинг XVI асрда Мовароуннаҳрга келиши билан боғлаб кўрсатади. Иккинчи бир

гурх олимлар, чунончи, профессор Худойберди Дониёров ўзбек сўзининг келиб чиқишини жуда қадим замонларга боғлади. “Ўзбек” сўзи Даشتி Қипчоқдагина эмас, Мовароуннаҳрда ва бошқа ажам мамлакатларида Ўзбекхонга ва мамлакати Ўзбекияга нисбатан анча илгари пайдо бўлганлигини баён этади.

Ўзбек терминининг ишлатилиши ҳам Ўзбекхоннинг Олтин Ўрда хукмронлигига (1312-1342) қадар Оқ Ўрда хонлари кўл остида бўлган фуқарога нисбатан ишлатилган. Қачонки, Тўхтамишон хукмронлиги Оқ Ўрдада емирилгач, Олтин Ўрданинг кучайиб бораётган хони Ўзбекхон Оқ Ўрдани қўшиб олади ва шундан бошлаб Ўзбекхон кўл остидаги иккала ўрда фуқароларини “ўзбеклар” номи билан юритиш одат тусига кириб қолди.

Хуллас, ўзбек сўзи жуда қадим даврлардан бошлаб айрим шахсни аташ ва кейинчалик этник гурӯхларни аташ учун ишлатиб келинган. Достонда ўзбек этномими ўзбек тарзида кўп ўринларда қўлланган. “Алпомиш”нинг яратилганини 1000 йиллигини 2000 йил кенг миқёсда нишонлаган эдик, демак, эпос X асрларда яратилган деб келинади. Баъзи олимларнинг фикрича унинг яратилганлигига 1000 йил эмас, балки ундан анча кўпроқ вақт бўлган. Баъзи манбалар IX-X асрларда туркий аҳоли халқ сифатида тўла шаклланганлиги, бу халқ кейинчалик ўзбек номи билан атала бошланганлигини кўрсатади. Навоий замонида турк сўзи билан бирга ўзбек сўзи ҳам параллел ишлатилганлигини кузатиш мумкин. Ўзбек халқи Ўрта Осиёнинг қадимий халқларидан бўлиб, деярли 3000 йиллик тарихга эга... Ўзбекларнинг аждодлари жуда қадим замонларда ҳам ҳозирги Ўзбекистон худудларида яшаганлар. Ушбу ерларда XVI асрнинг бошларида ўз хукмронлигини ўрнатган кўчманчи ўзбеклар бўлса, фақат ўзбек халқининггина эмас, балки қозоқ халқининг ҳам шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлганлар. Аммо улар ўзбек халқининг этник таркибий қисми бўлиб, тез орада Мовароуннаҳрнинг туркий оммаси орасига сингиб кетганлар ва фақат унга ўз номларини берганлар, холос. Шунинг учун айрим олимларнинг ўзбек халқи фақат XV асрдан кейингина маълум, деган даъволари хатодир.

Достонда кўп тилга олинган этномимлардан яна бири “қалмоқ” атамаси бўлиб, “қалмоқ” сўзи мўғулча “халимаг”-аралаш-қуралаш деган маънони билдиради. “Қозоқ” термини атиги бир марта учрайди: Алпомиш: “қизу жувонларни ҳайдаб ўтарман. Чўри қилиб қозоқларга сотарман”, дейдӣ.

Демак, қозоклар ўзбек ва қалмоқларга қўшни бўлган. Бу эпос достонининг Ўзбекистонда яратилганлигидан далолатdir.

#### IV. ТЕОНИМЛАР

Эпос илоҳий китоблар таълимотининг таъсири остида вужудга келганлиги достонда учрайдиган атоқли отлардан ҳам яққол кўриниб турибди. Ўзбек тишлишунослигига номларнинг маҳсус гурухи теонимия ҳақида алоҳида ишлар қилингани йўқ. Профессор Э.Бегматов ўзининг “Хозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари” китобида унинг асосий йўналишлари ҳақида фикр юритган. Биз ана шу қўлланмага таяниб теонимлар ҳақида фикр юритамиз.

“Алломиши” достонида учрайдиган теонимларни қўйидагича турларга ажратиш мумкин.

1. Оллоҳ номлари.
2. Пайғамбар ва халифалар, саҳобаларнинг номлари.
3. Ҳаётда бор бўлган реал шахслар билан боғлиқ бўлган номлар.
4. Афсонавий шахс ва мавжудотларнинг номлари.

Диний китобларда Оллоҳнинг бир оти ҳақида Фикр юритилиади. Достонда Оллоҳ сўзи ўрнида қатор қўшимча номларидан фойдаланган: Оллоҳ, Худо, Худойи, Худодод, Нур, ҳазрати Нур, Яздон.

Аллоҳ, яъни яратувчи теоними ҳақида Фикр юритар эканмиз, профессор, Ж.Омонтурдиевнинг илмий қарашларига асосланамиз: “Аллоҳнинг тўқсон тўққиз исми ва минг бир сифати битта тушунчани, яъни оламлар қашибофини-яратувчисини аташ, унинг моҳиятини англаш, зуҳриётини намоён қилиш учун хизмат қиласади. Бироқ мана шу ягона тушунча билан боғлиқ пайдо бўлган юзлаб атамаларнинг сабабиятлари, диний, дунёвий асослари ҳали тадқик қилинмаган. “Аллоҳ” атамаси ҳақидаги маълумотни айрим ишлардагина учратамиз, холос. Аҳаджон Ҳасановнинг “Макка ва Мадина тарихи” номли китоби ана шундай қимматли манбадир. Унда муаллиф Аллоҳ сўзи ва тушунчasi арабларда қачон пайдо бўлган деган саволга жавобан; -Аллоҳ сўзи илоҳий куч, бутун мавжудотни яратган Худонинг номи сифатида, шубҳасиз, фақат ислом динида қарор топганлигини, ҳатто, Мұхаммад пайғамбар ўз диний фаолиятининг маҳфий ҳолда кечган дастлабки 3-4 йилида Аллоҳ сўзи ўрнига Рабб (Парвардиғор, эга) сўзини ишлатганлигини кейинроқ бу сўз

Куръон матнида ўз ифодасини топғанлигини түғри уқтирган. Чунки илк исломда жоҳилия араблари ёки мушрикитлар Илоҳ, Рабб (айни замонда кўпхудолилик истилоҳлари) сўзларига кўни-киб қолганликларидан, Аллоҳ атамасини бирданига қабул қилолмасдилар. Бунинг устига Куръоннинг нозил бўлган илк сураларида, кўпроқ Аллоҳнинг Рабб, Илоҳ, Раҳмон каби исм ва сифатлари акс эта бошлаган эди: Бутун мавжудотни яратган Раббингиз номи билан ўқинг! инсонни лаҳта қондан яратган Раббингиз номи билан ўқинг. қаламни, хат-саводни яратган, билмаганни билдирадиган Раббингиз номи билан ўқинг! ("Икро" сураси, 1-2-3-оятлар мазмуни) каби.

Аллоҳ сўзининг бошланғич асоси яхудча (иврит тили)-Эллоҳдир. Эллоҳ қадимги будпараст яхудларнинг санами (майди, худоси) номи бўлиб (кўплиги эллоҳим), бу кейинчалик жоҳилия араблари, жумладан, шоирлари тилида Илоҳ; кўплиги Илаҳа бора-бора араб тили қонуниятига кўра "ал" аниқлик артикл (юкламаси) билан шаклланган: Ал-Илаҳ, сўнгра Аллоҳ шаклларини олган.

Англашиладики, ал-илоҳ сўзига қўшилиб, Аллоҳ сўзини шакллантирган; сўнгра Аллоҳ сўзи ўзининг ягона Худо номи. эканлиги тасдигини Куръондан олган.

Хуллас, Аллоҳ сўзи муайян эволюцион жараённи кечирган, маъно жиҳатдан Илоҳ сўзи каби кўпхудолик ёки иккихудолик тушунчасини англатмайдиган, ҳатто грамматик жиҳатдан бирлигу ва кўплик кўрсатмайдиган, "Ал+Илаҳ" унсурларидан ҳосил бўлгани сезилмайдиган, исломий, ягона, бир Худолик тушунчасининг атамаси, яъни "Исми Олийдир".

Алломиши достонининг ономалари орасида Оллоҳ атамасининг турли кўринишларини учратамиз: Худо, Худойи, Худойдод, Яздон, Аллоҳ, Оллоҳ, Олло, Обло, Илло, Нур, ҳазрати Нур, Ўзи, Яратган каби. Яратувчимизнинг юқорида саналган исм ва сифатлари орасидан Олло ёки Обло атамаси достонда энг кўптилга олинади ва салмоқли ўрин эгаллайди:

"Хазон бўлиб боғда гуллар сўлдими, Обло сенинг ақлу-хушиңг олдими?"

"Хазон бўлиб боғда гуллар сўлибдир, Олло сенинг ақлу-хушиңг олибдир".

Ж. Омонтурдиевнинг таъкидлашларича, "...баъзилар Аллаҳ таъола атамасини Алло толло, Олло-толло, Олло толо, Олло тола, Оллоҳ толо каби қўллаб ҳам гуноҳ, ҳам кулгига сабаб

бўладилар” Достонда Олло-толло, Олло, Обло атамаларининг кулланиши бу ҳодисаларни куйловчи баҳшининг билмаслигидан, бехабарлигидан далолат. Демак, достонларимизнинг равон ва нуқсонсиз бўлишида уни айтётган баҳшининг ҳам ўрни бекиёсдир.

Пайғамбар ва халифалар, саҳобаларнинг номлари: Расул Муҳаммад, Аҳмад, Муҳаммад Мустафо, Исҳоқ, ҳазрати Одам, Иброҳим, Исмоил, имоми Аъзам, ҳазрати Нур, ҳазрати Али, Расули Худо, Довуд, Аюб, Шери Яздон-Шоҳимардон, Босир, Расул, Юсуф.

Ҳаётда яшаган ва тарихий шахслар: Ҳўжай Ахрор, Дониёр, Сўфи Оллоёр, Шоҳизинда, Эрдониёр, Ражаб ҳўжа, Зинда пир, Миркулол, Искандар, Ҳўжа Юсуф Ҳамадоний.

Афсонавий номлар: Жамшид (афсонавий подшоҳ), Рустам, Хидири Илёс (Хизири Илёс). Достонда учрайдиган теонимик номларга яна Аросат куни (168-6), Маҳшар куни (110-6) сингари саналар номларини, Семурғ (74-6), Ҳумо (271-6) сингари күш номларини ҳам келтириш мумкин.

Биз юқорида келтирган номларнинг кўпчилигини антропоним-топоним, зооним, топонимларда ҳам санаб ўтган эдик. Бу номлар ономастиканинг бошқа соҳаларига даҳлдор бўлиши билан бирга ҳалқнинг диний қарашларининг ҳам ифодаси ҳисобланади. Теонимик номларни ономастиканинг бошқа соҳаларидан тамоман ажратиб бўлмайди. Улар бир-бирлари билан мустаҳкам алоқададир. Чунки теонимик атамалар келиб чиқишига кўра-антропонимлар, топонимлар, зоонимлар билан узвий боғлиқдир. Номлар ҳалқнинг диний қарашлари билан боғлик бўлса, уларни теонимик номларга киритиш мумкин. Уларни ономастиканинг қайси соҳасига боғликлигига қараб, қуидаги терминлар билан аташни олға сурамиз:

1. Антротеонимлар: Исо, Ҳазрати Хизр, Зинда пир, Кобил, Акмал.

2. Топоним-теонимлар: Шоҳи Зинда, Шоҳимардон.

3. Зоотеонимлар: Семурғ, Анқо.

Ўзбек топонимикасида ҳам Ўрта Осиё ҳамда Яқин ва Ўрта-Шарқ араб мамалакатларида сингари ҳар бир касбнинг ўз пири, ҳомийси бор деб қаралган. Ҳазрати Довуд-темирчилик ҳомийси, имоми Аъзам эса илм кишиларининг, ҳазрати Жолтонг ўғриларнинг пири ҳисобланган. Достонда ҳам бундай атамаларни кўплаб учратиш мумкин.

“Балога сабр этган ҳазрати Аюб” (186-6), “Иброҳим, Исмоил, Макка Муazzам динларнинг чироғи имоми Аъзам” (185-6), “Садағанг бўлайин, Қавс билан Қиёс, халқнинг ҳазиначиси Хидири Илёс” (186-6), “Ўғрининг пири ҳазрати Жолтон дегувчи эди” (301-6), “Мадад берса пири Яздон, Йигит пири Шоҳимардон” (324-6).

## V. ЗООНИМЛАР

Ўзбек фольклорининг эпик намунасида зоонимлардан ҳам ўринли фойдаланилган. Асарда учрайдиган ҳайвон ва паррандалар номи ўндан зиёд бўлиб, улар қуидагилар:

1. Бойчибор-Алномишининг оти.
2. Тарлонбия-Бойчиборнинг энаси.
3. Кўк дўнан-Кўкалдошнинг оти.
4. Олатой-Қайқубот чўпоннинг оти.
5. Бойқадам.
6. Изикути- Барчинойнинг итлари.
7. Семурғ.
8. Қийғир .
9. Лочин.
10. Хабарчи ғоз.
11. Қарчиғай.
12. Қарға.

Алномиш етти йил зинданда бандиликда ётиб, чоҳдан кутилиб, ёвларни енгигб юрга қайтади. Уни дастлаб Чиборнинг энаси-Тарлонбия қаршилайди:

“Тарлон бия Бойчиборнинг энаси, Чиборнинг довушин тўқайдади билди, Банди кетган Чибор эсига келди, ҳайвонзот кишинади, йўлларга кирди”-

Бойқадам, Изикутилар номи эса достонда атиги бир марта тилга олинади. Ит азалдан вафодорлик, садоқат тимсоли ҳисобланган. Ҳавфни олдиндан сезиб, эгасини ҳимоя қилишга ҳаракат қилган. Алларнинг энаси - шум ниятли Сурхайл Мастон кампир :

“Бойларнинг молин бож қип олайин...

Бебош бўп кетмасин бойни кўрайин,

Бир озироқ чиқим солиб келайин,

Ёмонини бориб тергаб кўрайин”, деган ниятларда ўзбеклар “мазгили Чилбир”га келади. Кампирни абгор қилиб кўп

кучуклар талади:

“Яқинлади Бойсарининг уйига,  
Бораётган шундайин айёр эди,  
Бойсарида тўқиз кўпак бор эди,  
Кўпраклари бул айёрни қурди,  
Чопиб келиб бул ўртага олади.  
Ҳар қайси ҳар ёқдан тортиб талади,  
Айиқдай чинқириб кампир қулади,  
Бойқадами эмчагидан олади,  
Изиқтуи қувуқقا чанг солади,  
Айиқдай чинқириб кампир қулади  
Тўқиз кўпак ўртага оп талади”

“Бир балони бошлаб” келаётган шум ниятли мастон кампирни энг аввало бойнинг итлари пайқайди. Сурхайнинг Барчинни Қоражонга аташтироқчи бўлиб айтган гапларига Бойсарининг бойбичаси шундай жавоб беради:

Ҳар ким ўз элида бекми, тўрами,  
Қарчифай қарғага емтик берами,  
Қайсар келса, аллар омон қолами?!  
Бир кун бу ердан хабар бормайми?  
Бўлган гапни қўнғирот элда билмайми?  
Олтойчилик йўлдан шунқор келмайми?  
Қалмоқни элига қирғин солмайми,  
Курғур кампир, тек ўтиранг бўлмайми?”<sup>1</sup>

Бойбича бўлајак күёви бойсунлик Алпомишни “Қарчифай”, “Қайсар”, “Шунқор”, дея таърифлаб, қалмоқларнинг 90 алпини қарғага менгзайди. Баъзи зоонимлар ҳақида турли қарашлар мавжуд: Семурғ, Анқо кушлари афсонавий бўлиб, ҳаётда мавжуд эмас. Семурғ ва Анқо бир қушнинг номи бўлиб, ҳар иккиси параллел равишда ишлатилади. Семурғ номи достонда афоризм сифатида ҳам ишлатилган:

Давлат қўнса бир чибиннинг бошига, Семурғ кушлар салом берар қошига.

Ушбу рисола “Алпомиш” достонининг Фозил Йўлдош ўғли айтган варианти, яъни олимлар томонидан энг мукаммал айтилган варианти деб эътироф этилган “Академик” варианти асосида таҳлилга жалб этилиб ёзилган. Ушбу вариант бўйича барча номлар, исмлар, атамалар ҳаққоний ёритилган.

“Алпомиш” достонининг варианлари жуда кўп бўлиб, қирқча яқин варианти олимлар томонидан ёзиб олинган. Кўлёзма ҳоли

да турибди. Бундан ташқари, қаракалпок, қозоқ ва қирғиз варианtlари ҳам мавжуд. Уларда номлар, исмлар, атамалар бошқачароқ – ўзгарган шаклда учраши ҳам кузатилади. Айрим варианtlarda ўзбак этноними мутлақо учрамайди, уруғ номи фақат қўнғиротлар деб айтилади. Достоннинг ҳар жойнинг ўз бахшилари ўз жойига ва уруғига қараб ўзгартириб айтган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ воқеалар ривожи ҳам бошқачароқ, лекин шунга қарамай, умумий сюjetи бир хил.

Сурхондарёлик бахшилар Чорша бахши ва Хўшбок (Мардонакул) бахши айтган варианtlarda ҳам тафовути жиҳатлар учрайди. Гарчи Фозил Йўлдош бахши асли самарқандлик бўлса ҳам, достоннинг у айтган вариантида келтирилган жой номлари айнан Сурхондарёда мавжудлиги тарихий ҳақиқат. Мазкур топонимлар бошқа вилоятларда йўқ, шунинг учун ҳам “Алпомиш” достони Сурхондарёда биринчи вужудга келиб шакланган дейишимизга асос бор.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Достонлар гултожи, ўзбек ҳалқ қаҳрамонлик эпоси-“Алпомиш”нинг кўплаб варианtlари мавжуд. Энг муҳими, Сурхондарёдаги жой номлари достоннинг яратилишида асос бўлган деб айтиш мумкин.

2. Ўзбек тилшунослигида ономасиология 50-60 йиллардан бошлаб ўрганила бошланди. Унинг антропонимика, топонимика соҳалари юзасидан бир қатор тадқиқот ишлари юзага келди. Ўзбек тили ономасиологиясининг тараққиётига чет эл, рус ва қардош ҳалқлар тилшунослиги баракали таъсир этди. Ҳозирги кунда жаҳон ва қардош ҳалқлари тилшунослиги билан тараққий этмоқда.

3. Асар тили, хусусан, ономастик атамалар ўша давр ўзбек тили лексикасининг асосий қисмини ташкил этади. Текциришлар шуни кўрсатадики, ҳар бир даврда яшаган шоир ижоди ўз замони адабий тилининг барча лексикаси ва атамаларини қамраб олмайди. Ўз навбатида, бирор асарда ишлатилган барча сўзлар ва атамаларни адабий тилга тўла ўзлашган деб ҳукм чиқариш ҳам X аср ономастик номларининг барчасини қамраб олмаган.

4. Достонда ўз даврида кенг истеъмолда бўлган ономастик номларнинг аксарият қисми қўлланилган. Ономастиканинг кўпгина соҳаларига оид (антропоним, топоним, тероним,

ним, зооним) атамалар унда учрайди.

5. Достонда кўлланган антропонимлар кишиларнинг исмлари, лақаблари, тахаллуслари сингари турларга дахлор бўлиб, шахсни аташнинг ўша давр учун анъана бўлган барча турларидан фойдаланилган.

6. “Алпомиш” достони орқали қалмоқча номлар кириб келган. Антропонимлар миллий колоритни таъминлаган.

7. Ер номлари ҳам кенг маънода образ. Образлар, яъни антропонимлар маконда-топонимларда ҳаракат қилади. Достон обьектининг номлари (жой номлари) ҳозир ҳам сакланиб қолган.

Бадиий адабиётда тўқима асосий ўринда турса ҳам, ҳар бир деталь ҳаётдаги бирор воқеа ва ўрин-жой билан маълум даражада боғланган бўлади. “Алпомиш” достонини кузатар эканмиз, аксарият ўрин-жой номларининг воҳамиз тупроғи билан боғлиқлигини кўрамиз. Достондаги кўплаб жойларнинг ўрни аниқ бўлса-да, айrim жой номлари ва ашёларнинг мазмуни қаерданлиги номаълумлигига сақланиб келиниши уларнинг афсонавий номлар сифатида тасаввур қилиншига сабаб бўлган.

Достондаги Сурхайл кампирнинг Қалмоқшоҳга қаратади: “Сен подшосан, нима қиласман десанг, хукминг етади, беш юз арава кўшсанг, Зил тоғига буюрсанг, тош юклаб кўмса, устидан тош босар, ҳар ёғидан ер қисар...Шундай бўп бу ўлмаса ўлмайди экан” дейди. Бу Қалмоқшоҳга маъкул бўлиб, 500 аравани тошга жўнатди. Ушбу атама, бир қараганда, афсонавий ном сифатида тасаввур қилинади. “Зил” сўзининг таркибидан англашиладиган маънога қиёс бериб, “жуда оғир, улкан тоғ” маъноларида тушунилади ва унинг афсонавийлиги янада ортади. Бироқ у афсонавий ном эмас. Ш.Ёкубов илмий изланишларига кўра Оқтошғуржак тизма тоғларининг Оқтошдан Лойлиқача бўлган қисмида қизил рангли тоғлар бор. Унинг усти қизил тупроқли бўлган ҳолда, тоғнинг қаъри муңг тошлардан ташкил топган. Достондаги Зил тоғи ана шу қизил тоғнинг ўзгинасиdir. Алпомишнинг зиндони ушбу тоғнинг жанубий қисмида зоҳир бўлиб турибди. (Қизил тоғ-Зил тоғ) Зил тоғи, арава йўли ва уюmlари “Алпомиш” достони марказий воқеаларининг яратилишига асос бўлган дастлабки ёдгорликлар ҳисобланувчи энг ёрқин манбаларидир. Ҳозирги кунда ҳам ўзини кўз-кўз қилиб турган қадимги арава йўли, ўн тўрт тош уюми ва Зил тоғи “Алпомиш” достонининг ўзга элларда ижод қилиниб, кейинчалик бизнинг юртимизга

келиб қолмаганлигини, унинг асл Ватани қадимий ва ҳамиша навқирон Сурхондарё эканлигини рад этиб бўлмас даражада исбот этувчи қимматли манбалардир.

Достонда айтилганидек, қўнғирот қабиласи Амударё ёқаси ва Бойсун кўли атрофида кўчманчилик билан ҳаёт кечиргандар. Асарда тасвирланган пойга ўтказилган Бобохон тоги Термизнинг шимолидадир (ҳозирги номи Боботоғ бўлиб, унинг бағрида, бепоён "қўнғирот дала"си мавжуд- Т.Усмон). "Алпомиш" достонининг қозоқ ва қарақалпоқ вариантиларида ҳам Алпомиш қабиласи яшаган ҳудуд Амударё ёқаси, Бойсун деб кўрсатилади. Буларнинг барчаси "Алпомиш" достони Сурхондарё ҳудудида яратилганилиги ва бошқа жойларга ҳам тарқалиб, шуҳрат қозонганини кўрсатади.

Алпомишнинг ватани эса Бойсун эканлиги достонда такрор-такрор тилга олинади. 14 жилдан иборат "Ўзбек Совет энциклопедияси"да (2-жилд, 315-бет). "Бойсун- "Алпомиш" достонидаги эпик юрт, қўнғирот уруғининг ватани", деб айнан тўғри таъриф берилади.

"Ҳозирги Хоразм вилояти, Қарақалпоғистон муҳтор жумхурияти ҳудудида, Орол денгизи атрофида тоғлар, дарёлар, салобатли чўққилар, даралар, қирлар, тепаликлар йўқ. "Алпомиш" достонида тасвирланган айрим жойлар номи Бойсун, Шеробод, Боботоғ районлари ҳудудларида ҳозир ҳам айнан ўша ном билан юритилади. Чунончи, Ойнакўл, Кўкқамиш-бу Кофурун билан Бандиҳон ўртасидаги дарада бўлса, Кулбобо эса Ёмчи-Работнинг этагидаги Питов қишлоғининг фарбий-шимолидадир. Ойдин-Ойна кўли эса Катманчопти тогининг шарқий шимолидаги Санжар тоги устида ҳозир ҳам бор.

Алпомиш ташланган зиндан ривоятларга асосан Шерободнинг фарбидаги Музработга яқин жойда ва ҳазрати Вахшивордадир. Достонда тасвирланган бошқа айрим жойлар ҳам Бойсун, Шеробод-Боботоғ ва ҳазрати Вахшивор ҳудудлари билан боғлиқ. Энди жой номларининг кўчиб юришига келганда, шу нарсани айтмоқ ўринлики, йирик чорвадор, феодал бой Бойсарининг аразлаб, "ўз акамга закот тўлагандан, ўзга юрга жуэъя берганим яхшироқ", деб тоғли Бойсундаги Амударё бўйлари ёқалаб Орол соҳилларига бориб қолгани ва қалмоқлар хони Тойчихонга фуқаро бўлганига келганда шу нарсани айтмоқ ўринлики, Бойсари ва унинг уруғ-аймоқлари Бойсундан Орол соҳилларига бориб, ўзларининг бобокалонлари Юрти бўлмиш

Бойсун номини яшаб қолган жойларини, яъни орол бўйидаги Бойсунни шу исм билан, яъни “Бойсун” деб атаганлар. Ҳозирги Қорақалпоқ Республикасидаги қўнғирот ва унинг бошқа районларида яшаётган ва маҳаллийлашиб кетган қадимги Бойсун-қўнғиротларидан бўлган уруғ-аймоқлари ҳозир ҳам ўзларини: “Биз Жийдали-Бойсундан бўламиз, қўнғиротмиз”, -деб ифтихор билан эслайдилар.

Ахир, Қашқадарё, Сурхондарё, Нурота, Булунғур ва бошқа ҳудудларда қадимдан то ҳозиргача давом этиб келаётган баҳшилар мактаби репертуарларида кенг ўрин олган “Алпомиш” достони варианларида ҳам Сурхон воҳаси Жийдали Бойсун Алпомиш ва Қўнғирот юрти эканлиги таъкидланиб исботланиши рад қилиб бўлмайдиган исбот эмасми? Қоражонга қараб Барчиннинг айтган сўзларини эслайлик:

Отам кетган Бойсун-Қўнғирот элига, қайтган бўлса, уч ойлик йўлига, мусо фирмиз бизлар қалмоқ қўлига.

Агар “Ўзбек Совет энциклопедияси”да ёзилганидек; “Бойсун аслида Орол денгизининг шимолий томонидаги сераялов жой бўлса эди, Барчин “Мусо фирмиз бизлар қалмоқ қўлига”, деб Қоражонга зорланмаган бўлар эди. Бас, Бойсарибай бошлиқ ўн минг уйли қўнғирот эли Орол бўйидаги сераялов жойга кўчиб бориб “мусоғир”ликда яшаган ва бу фикр достонда бот-бот такрорланган экан, уларнинг ўз она юрти - Бойсун - қўнғирот ватанидан кўчиб борганлигини исботлашга ўрин қолмайди”.

Достондаги энг муҳим яна бир топоним бу Шоҳимардон пир равзасидир. Мазкур жой номи илоҳийлаштирилган “Муродхона”дир, ундан фарзанд талаб фарзанд сўрайди, мансаб талаб мансаб сўрайди. Тилаган муродига етайкан. Асар қаҳрамонининг туғилиши ҳам, тақдирли ҳам бевосита Шоҳимардон пир номи билан боғлиқ. Ҳакимбек аллар билан курашишда ҳам, зинданда ётганда ҳам Шоҳимардон пир унга руҳий мадад беради. Бу ҳол достонда бот-бот такрорланади за асарнинг охиригача давом этади. Мазкур жой номи буғунги кунгача сақланиб қолган. Фарғона водийсининг Қирғизистон билан чегараси туташган жойда бир сўлим гўша мавжуд бўлиб, у Шоҳимардон деб аталади. Жой номларининг кўчиб юриши ҳақидаги тахмин ва хulosаларимизни юқорида айтган эдик.

Достондаги йирик образлардан бири, Қалмоқшоҳ Тойчихоннинг қизи, Алпомишнинг гойибона хуштори-Товкайим бўлиб, Алпомиш юрти Сурхон воҳасида нафақат достон вариантларида,

балки кўплаб ёдгорликларда ҳам у билан боғлиқ жойлар учрайди. Шундай ёдгорликлардан бири Шеробод даҳнасида, Шеробод беклиқ кўргонидан роса 4 км шимолда, ҳозирги Шеробод дарёсидаги сув айирғич яқинида, дарёнинг чап қирғоғида, тоғ қояси устида жойлашган. “Алпомиш” достони маҳаллий варианtlарининг бирида айтилишича, “Товкаойим кўргонида гўзал қизлар суратлари бор” деган жумла келтирилади.

Бу суратлар очик турган вақтларда достон мазмуни билан таниш кишилар мазкур кўргонни Товкаойим номи билан атаганлар. Кўргондаги икки ертўла хона ҳам достонда куйланган Товкаойим кўргонининг Алпомиш ётган зиндан билан лаҳм орқали боғланганлигига ишора бўла олади. Изланишлар натижалари кўргонда X-XI асрларда йирик тадқиқот ишлари олиб борилганлигини кўрсатади. Айнан шу вақтларда суратлар очик қолган бўлишлари мумкин. Бу достоннинг яратилиш санасини яна ҳам тасдиқлаб турибди.

**“АЛПОМИШ”**  
**ДОСТОНИ ОНОМАЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ**  
**АНТРОПОНИМЛАР**

1. Алпинбий (67-б)
2. Алпомиш (70-б)
3. Анқа полвон (330-б)
4. Бодом бикач (269-б)
5. Барчиной (70-б)
6. Бойбўри(67-б)
7. Бойсари(67-б)
8. Бектемир (250-б)
9. Бойқашқа (90-б)
10. Добонбий (67-б)
11. Ёдгор (270-б)
12. Жиловдор (354-б)
13. Зухра (146-б)
14. Искандар (145-б)
15. Кўса синчи (167-б)
16. Кўкалдош (90-б)
17. Кўкаман (90-б)
18. Кўкқашқа (90-б)
19. Лайли (245-б)
20. Мажнун (245-б)
21. Миркулол (321-б)
22. Моларой (367-б)
23. Ойқашқа полвон (223-б)
24. Омон чўпон (388-б)
25. Ражабхўжа (186-ббб)
26. Суксурой каниз (99-б)
27. Сурхайил (90-б)
28. Товка (107-б)
28. Тойчихон (84-б)
29. Тойқашқа (90-б)
30. Ултонтоз (269-б)
31. Фармонқул (385-б)
32. Фозил шоир Йўлдош ўғли (81-б)
33. Фотма (146-б)
34. Яртибой оқсоқол (73-б)

35. Қайқубот кал (142-б)
36. Қалдирғочайим (70-б)
37. Қалмоқшох (84-б)
38. Қоражон (90-б)
39. Қултой (121-б)
40. Қуриқулоқ (90-б)
41. Ҳакимбек (70-б)
42. Ҳофиз Шерози (186-б)

## ТЕОНИМЛАР

1. Аюб (186-б)
2. Али (186-б)
3. Аҳмад (321-б)
4. Башир (321-б)
5. Бахшойиш (321-б)
6. Богиозор (321-б)
7. Бобо Қамбар (145-б)
8. Довуд (259-б)
9. Дониёр пайғамбар (321-б)
10. Жамшид (321-б)
11. Жолтонг пир (301-б)
12. Зинда пир (185-б)
13. Занги бобо (186-б)
14. Иброҳим (185-б)
15. Исмоил (185-б)
16. Имоми Аъзам (185-б)
17. Имом Шафе (185-б)
18. Илёс (186-б)
19. Миркулол (321-б)
20. Мустафо (321-б)
21. Мұхаммад (321-б)
22. Ҳазрати Нур (186-б)
23. Новқа (321-б)
24. Парпи ота (321-б)
25. Раҳмон (186-б)
26. Расул Мұхаммад (321-б)
27. Расули Худо (145-б)
28. Рустам (70-б)
29. Сайд Ваққос (186-б)

30. Сўфи Оллоёр (321-б)
31. Эрдониёр (186-б)
32. Эрхўжа мозор (186-б)
33. Шоҳимардон(68-б)
34. Шоҳизинда (186-б)
35. Яздан (Шери Яздан) (324-б)
36. Юсуф (271-б)
37. Хидири Илёс(186-б)
38. Ҳофиз Шерози (186-б)
39. Ҳўжай Аҳрор(186-б)
40. Ҳўжа Мозор (321-б)
41. Ҳўжам Зумрати (186-б)
42. Ҳудойдод (321-б)
43. Ҳўжам Зумрати (186-б)
44. Ҳўжа Исҳоқ (321-б)
45. Ҳўжа Юсуф Ҳамадоний(321-б)
46. Ҳўжай Чорчинор (321-б)
47. Кўчкор (321-б)
48. Қавс (186-б)
49. Фиёс (186-б)
50. Ҳазрати Одам (185-б)
51. Ҳазрати Лангар (321-б)

## ТОПОНИМЛАР

1. Астрахан (344-б)
2. Алпомиш зинданни (315-б)
3. Бойсин (68-б)
4. Кашал (75-б)
5. Макка (146-б)
6. Мадина (146-б)
7. Машриқ (146-б)
8. Муродтепа (147-б)
9. Регистон (328-б)
10. Самарқанд (101-б)
11. Тошкант (186-б)
12. Товка боги (303-б)
13. Тойчихон мамлакати (84-б)
14. Тойчи вилояти (84-б)
15. Туркистон (84-б)

16. Тўқайистон (109-б)
17. Чин-Мочин (335-б)
18. Чилбир чўли (83-б)
19. Шаҳрисабз (321-б)
20. Шоҳимарддон пир равзаси (68-б)
21. Эран (146-б)
22. Янгибозор (291-б)
23. Қалмоқ Музофоти (147-б)
24. Қўқон (185-б)
25. Фазира (321-б)
26. Ҳаштархон (344-б)

## **ИЛОХИЙ КУН НОМЛАРИ**

1. Аросат куни (168-б)
2. Маҳшар куни (110-б)

## **ОРОНИМЛАР**

1. Асқар тоги (70-б)
2. Бобохон тоги (166-б)
3. Зил тоги (182-б)
4. Кашал ғори (90-б)
5. Олатоғ (269-б)
5. Шакаман тоги (273-б)
6. Қоғотон тоги (109-б)
7. Қатоғон ғори (109-б) 190 дарали

## **ГИДРОНИМЛАР**

1. Арпали кўли (132-б)
2. Аччикўл (225-б)
3. Бобир кўли (270-б)
4. Кўкқамиш кўли (70-б)
5. Ойна кўли (84-б)
6. Ойкўл (150-б)
7. Бойсун кўли (150-б)

## **ЭТНОНИМЛАР**

1. Бойсин-құнғирот әлати (68-б)
2. Кашал эли (74-б)
3. Тортувли құнғирот (250-б)
4. Ўзбак (87-б)
5. Хитойчалар (324-б)
6. Қалмоқ (72-б)
7. Хонжиғали (Қанжиғали) құнғирот (250-б)
8. Қозоқ (285-б)
9. Құнғирот (67-б)

## **ЗООНИМЛАР**

1. Бойчибор (130-б)
2. Бойқадам (94-б)
3. Изикути (94-б)
4. Күкдүнан (102-б)
5. Олатой (298-б)
6. Семурғ (74-б)
7. Тарлон бия (350-б)
8. Қийғир (148-б)
9. Ҳұмоюн (271-б)
10. Аңқо (74-б)
11. Қарчигай (97-б)
12. Қарға (97-б)
13. Лочин (186-б)

## АЙРИМ СҮЗЛАР ИЗОХИ

Сорилмасин - сарғаймасин  
Сап бўлиб - қаторлашиб  
Чақа - чақалоқ  
Чупорон - суннат тўй  
Шойдам - илдам  
Эмин-ғамин - эмин-эркин  
Хунопча - а) пишмаган қовун, б) шўр, в) барги  
Ҳалтиндан - ҳозирдан  
Душ бўлди - дуч бўлди  
Мегажин - чўчқанинг урғочиси  
Дигар - бегона  
Качфаҳмлик - калтафаҳмлик, ўйловсизлик  
Хит билибди - оғир олибди  
Лодон - нодон  
Кўшок - кўзи-улокларни қаторлаштириб боғлайдиган халқали арқон  
Мамиз - рағбат  
Тоналар - танаалар, сигирнинг боласи  
Сайир - сигир  
Жутамасам - емасам маъносида  
Ошув - тепалик  
Шанпати - кўринарли жой  
Ийамталаш - уддалаш  
Хиласлала берди - кўрина берди  
Энги - чўпон ҳақи  
Кайвони бўл - эга бўл маъносида  
Морқа - а) эрка, б) семиз  
Тобаги - таънаси, маломати  
Собаси - овози  
Габаси - боласи  
Қалбини жавла - қалбига йўл топ  
Иркилганда - teng олганда  
Хилим - қариндошим  
Абжил - эпчил  
Абжуш - бронза ва миснинг аралашмасидан ҳосил бўлган қаттиқ жисм  
Банот - баҳмал, духоба

Бақан солмоқ - күёвникига узатиб борилаётган келиннинг  
йўлини арқон билан тўсмоқ

Бирич - бронза

Гачча - тил билмас

Даҳмарда - чорвадор, мол боқувчи

Дубулға - металл қалпоқ, шлём

Зинқийиб - қақкайиб, кўқкайиб

Кашал - ўзга юрт, узоқ ўлка

Кировка - жангда совут остидан кийиладиган металлдан  
ишланган нимча, ҳимоя кийими

Кўнак - қимиз солиши учун теридан ишланган идиш

Кўтохлик - айбли иш, гуноҳ иш, калтабинлик

Лот - ўч, қасос

Машат ўсма - ўсма тури. Машиота - косметик буюмлар

Миён хатанамой - кўзингиз ўтмас бўлиб қолибди маъносида

Музтар бўлмоқ - ночор бўлмоқ

Муғум - кучли, миқтидан келган, муқим

Овсар - хотин-қизларнинг зийнатли бош кийими

Понза рўмол - нозик гуллар солинган ипак рўмол

Сава - қимиз солинадиган кичик меш, саноч, теридан қилин-  
ган идиш

Собилмас - чарчамас

Сурсат - тўлов, солиқ тури, ўлпон

Таадди - зулм, жабр, дўқ, дағдаға

Табла - отхона

Танқа ташламоқ - якка ўзи бир яйловни эгалламоқ

Хатап - тия эгарининг бош қисми

Чангароқ - ўтов ва қора уйнинг тепасидаги гардиш

Чер - ғам, дард, алам

Чийир - из

Шобир - дўпир, шарпа

Шовшатмоқ - қақшатмоқ

Ўр ўжар - чуқурлик, жарлик

Қалами - қўлда тўқилган йўл-йўлли бўзсимон мато

Қўриқ - йилқи ушлайдиган камон


Қўтос - от бўйнига осиладиган безакли буюм

Қўрқиб-бурқиб - чангиб-тўзиб


Ҳарба - хужум, ҳамла

Хишшай - ёмғирли, намли

# **АЛПОМИШНИНГ ШАЖАРАСИ**



# “АЛПОМИШ” ДАГИ ҚҮНФИРОТ УРУГИ ЭТНОНИМЛАРИ



ҚҮНФИРОТ УРУГИ 5ТА КАТТА  
БҮЛИМГА БҮЛИНИБ, У ҚҮНФИРОТ  
ОТАНИНГ 5 ЎФЛИ БИЛАН АТАЛАДИ

1	ВАХТАМГАЛИ	18 УРУФ (ОТА)	
2	ҚҰШТАМГАЛИ	16 УРУФ (ОТА)	АЛПОМИШ
3	ҚОНЖИГАЛИ	14 УРУФ (ОТА)	АЛПОМИШ
4	АЙНЛИ	12 УРУФ (ОТА)	
5	ТОРТУВЛИ	6 УРУФ (ОТА)	БЕКТЕМИР

# “АЛПОМИШ” ДОСТОНИ

## АЛПОМИШ

**БАРЧИНОЙ**  
ёхуд  
Бева Барчин-  
Бека Барчин

**ОЙТОВКА**  
(Оловка)

**ЁДГОР**  
(Ёдгор  
достони)

**ХУДОЁР**  
ёхуд  
**ЙҮЛЧИ**


**ШОМУРОД**  
(Ёдгорнинг  
қайнотаси)

АЛПОМИШ ВА БАРЧИНОЙДАН

АЛПОМИШ ВА ОЙТОВКА  
(Оловка) даан

# ТУРКУМ ШАЖАРАСИ

## АЛПОМИШ



АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ ҲАҚИДАГИ  
МАЪЛУМОТЛАР, КАТТА-КИЧИК  
АСАРЛАР

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов Ислом. "Алпомиши" достонининг 1000 ииллиги-га бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи//Ўзбек тили ва адабиёти.– 1999. – № 6. –Б. 3-5.
2. Каримов Ислом Абдуганиевич. Юксак маънавият – енгил-мас куч. Иккинчи нашри. –Тошкент: "Маънавият", 2010. –176 б.
3. Каримов Ислом. Ўзбекистон мустақилликка эришиш ос-тонасида. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
4. Абдураҳмонов Д., Бектемиров Х. Ўзбек халқ достонлари оно-мастикаси // Ўзбек халқ ижоди.-Тошкент. "Фан", 1967, –Б.177-197.
5. "Алпомиши" достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти мавзудаги Халқаро конференция материаллари. Термиз, 1999 йил, 23 октябрь.–Тошкент: "Фан", 1999. –164 б.
6. Алпомиши.Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Ёзиб олувчи М.Зарифов. Қисқартириб нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев.–Тошкент, 1987.–336 б.
7. Алпомиши, Рустамхон (сўз боши муаллифи М.Муродов).– Тошкент: "Адабиёт ва санъат" нашриёти, 1985, –448 б.
8. Алпомиши: Достон Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик.–Тошкент Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. –400 б.
9. Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари. –Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991. – 208 б.
10. Бойсун баёзи: (Тўплам).–Тошкент: Чўлпон, 1996. –184 б.
11. Ёрматов И. "Алпомиши" достонида сўз тақорор шакллари-нинг қўлланиши//Ўзбек тили ва адабиёти.–1989. –№:5.–Б.53-58.
12. Ёрматов И. "Алпомиши" достони поэтикасининг баъзи масалалари//Ўзбек тили ва адабиёти".–1990. –№:5.–Б.33-38.
13. Жабборов Исо. Ўзбек халқи этнографияси, –Тошкент: "Ўқитувчи", 1994.–320 б.
14. Жўраев М. "Алпомиши" достонининг Сурхондарё талқин-лари//Moziydan sado .–2013, –№ 3. 59.–Б. 14-18.
15. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. –Тошкент: "Ўқитувчи", 1990.–304б.
16. Йўлдошев Қозоқбай. "Алпомиши" талқинлари. –Тошкент: "Маънавият" 2002. –168 б.
17. Каримов К. "Кутадғу билиг" асарида учрайдиган шахс номлари// "Ўзбек тили ва адабиёти". – 1967. –№ 2 –Б. 42-47.
18. Мирзаев И. Бадий таржимада киши исмлари ва географик номларининг берилиши// "Ўзбек тили ва адабиёти" –1973 № 5.

- Б. 70-73.
19. Мирзаев Т. "Алпомиш" достонининг жаҳон халқлари эпик ижодиётида тутган ўрни//“Ўзбек тили ва адабиёти”.-1999.-№6.-Б.34-37
20. Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. 1-2 китоблар.-Тошкент: Мехнат, 1999. – 485 б.
21. Норалиев Ж. Алпомиш юртга қайтди.-Тошкент: “Ёзувчи”, 1998, -96 б.
22. Омонтурдиев А.Ж. Ўзбек нутқининг эвфемик асослари.-Тошкент:- “Фан”, 2001.
23. Омонтурдиев Ж. Моҳир атамашунос Сурхон тонги, 1991, 12 апрел.
24. Омонтурдиев Ж. Номлар тилсимоти Термиз университети, 2005.9-феврал.
25. Раҳматуллаев Ш., Қодиров М. Ўзбек тилининг қисқа этиологик луғати. Иккинчи қисм. –Тошкент, “Университет”, 1998. -108 б.
26. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этиологик луғати-Тошкент: “Университет”, 2003-162 б.
27. Салимжонов Е., Мўминов С. Бадий асар қаҳрамонларининг мухим вазифалари // “Ўзбек тили ва адабиёти”, –1984. – № 2. –Б-44-49.
28. Тоҳир Усмон. Бойсун тарихига бир назар // Бойсун баёзи. –Тошкент: “Чўлпон”, 1996.-Б. 114-134.
29. Турдиев Т. Шажара. - Тошкент: “Нур”, 1991. йил - 64 б.
30. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун.-Тошкент: “Akademnashr”, 2011.-560 б.
31. Турсунов С., Пардаев Т., Турсунова Н., Муртазоев Б., Ўзбекистонда баҳшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи. - Тошкент: “Тафаккур”, 2015. - 304 б.
32. Ўзбек шеърияти антологияси. Беш томлик. 1-том.-Тошкент: “Ўздавнашр”, 1961.-312 б.
33. Қораев Б. Тахаллуслар// “Фан ва турмуш”.-1966 -№ 7.-Б 20-22.
34. Қораев Б. Адабий тахаллуслар хақида// “Ўзбек тили ва адабиёти”.-1967. -№ 1. -Б. 53-53.
35. Қораев С. Навоий ва топонимика//“Ўзбек тили ва адабиёти”,-1986. -№ 3. -Б. 85-86.

## **МУНДАРИЖА**

МУҚАДДИМА.....	5
I БОБ. “Алпомиш” достони қурилишида ономастик номлар роли.....	7
II БОБ. “Алпомиш” достонидаги ономастик воситалари.....	18
II.I. Антропонимлар.....	22
II.I.1. Ислар.....	23
II.I.2. Тарихий шахслар номи.....	23
II.I.3. Афсонавий номлар.....	26
II.I.4. Тұқима номлар.....	26
II.I.5. Тахаллуслар.....	28
II.I.6. Лақаблар.....	29
II.I.7. Топонимлар.....	30
II.II.1. Гидронимлар.....	33
III. Этнонимлар.....	34
IV. Тионимлар .....	37
V. Зоонимлар.....	40
ХУЛОСА.....	42
ИЛОВАЛАР.....	47

## **Қайдлар учун**

## **НОРҚУЛОВА ШАҲНОЗА ТЎЛҚИНОВНА**

### **“АЛПОМИШ” ДОСТОНИНИНГ ОНОМАСИОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Мухаррир: Менгнор ОЛЛОМУРОД

Масъул мухаррир: Болта ЁРИЕВ

Техник мухаррир: Жума ШАЙМАТОВ

Мусахҳих: Гулчехра РАҲМАТОВА

Саҳифаловчи: Шаҳноза МАМАТКАРИМОВА

Дизайнер: Исломбек ЧОРИЕВ

Нашриёт лицензияси AI № 257, 31 декабрь 2014 йил.  
Теришга 27.10.2016 йилда берилди. Босишга 25.11.2016 йилда  
руҳсат этилди. Бичими 60x84 1/<sub>16</sub>. Офсет қофози. Pragmatik  
ТАД гарнитураси. Шартли босма табоғи 3,72. Нашр босма  
табоғи 2,9. 327-сонли шартнома. 2409-сонли буюртма. Адади  
2000 нусхада. Эркин нархда.

#### **НАШРИЁТ МАНЗИЛИ:**

«Сурхон-Нашр» нашриёти Термиз шаҳри,

Ф.Хўжаев кўчаси, 30-уй.

Тел: (+99876)223-24-74.

#### **БОСМАХОНА МАНЗИЛИ:**

«Сурхон-Нашр» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 30-уй.



**Норкулова Шахноза Тұлқиновна 1984 йил Қизириқ тұманида туғилған. 2001-йил “Сирдош юлдузлар” номли илк шеърий тұплами нашр этилған. Шу йили ТәрДУ филология факультетінде грант ассоциацияда үкішга кириб, 2003-йил НАВОЙИ номли Давлат степендерінде сөвриңдори бұлған.**

**2004-йилда “Сурхондан эсар сабо” номли шеърий тұплами зылон қилинған. 2005-йилда Университетни имтиёзли диплом билан тамомлаб, Магистратура босқичига имтиёз билан давлат грант ассоциацияда үкішга кирган. 2007-йилда Магистрлық диссертациясини муваффакиятли ҳимоя қылған.**

**2011-йилда “Гуллар мунозараси”, 2012-йилда Р. Эшмуродов билан ҳаммуаллифликда “Яхшилар Әди” номли китoblари зылон қилинған. 2011-йилдан бүн Термиз давлат университеті Үзбек тили ва адабиети кафедрасыда фаолият күрсатмоқда. Педагоглик фаолияти давомида илмий изланишларини давом эттирмоқда.**



E-mail: [Surxon\\_nashra@mail.ru](mailto:surxon_nashra@mail.ru)  
tel: 223 24 74

ISBN: 978-9943-4733-9-3

A standard linear barcode representing the ISBN number.

9 789943 473393